


A decorative arch composed of multiple concentric lines in a reddish-brown color, framing the central text and logo.

**БИЗНИНГ
ТАЪЛИМОТИМИЗ**



ISLAM INTERNATIONAL PUBLICATIONS LTD.

БИЗНИНГ ТАЪЛИМОТИМИЗ



2000

ISLAM INTERNATIONAL PUBLICATIONS LTD.

БИЗНИНГ ТАЪЛИМОТИМИЗ

(OUR TEACHING)

*By: Hadhrat Mirza Ghulam Ahmad
The Founder of The Ahmadiyya Muslim Jamaat*

Uzbek Translation

© ISLAM INTERNATIONAL PUBLICATIONS LTD.

Published in Almaty in June 2000

Published by:

Islam International Publications Ltd.
Islamabad,
Sheephatch Lane, Tilford,
Surrey GU10 2AQ, U.K.

Printed by:

Polygraphresursy Ltd. 15, Kunaev st., Almaty.
First edition 5000, order # 504.

ISBN 1 85372 695 8

Ислом ҳамда бошқа динлар ҳақида ҳар хил маълумот, Қуръони карим таржималари ва китоблар учун қуйидаги манзиллар, тел/факс номерларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

16 GRESEN HALL ROAD
SW 18 5 QL LONDON U-K
Тел: + 44-181-8706134
Факс+ 44-181-8701095

105094 г. МОСКВА
Ул. ГОСПИТАЛЬНЫЙ ВАЛ,
Д. 5, КОР. 18. КВ. 249
Тел/Факс: (095) 3602790

188664 ЛЕНИНГРАДСКОЙ ОБЛАСТИ
ВСЕВОЛОЖСКОГО РАЙОНА
ПОС. МЕДВЕЖИЙ СТАН, ДОМ 21
Тел: (812) 5955082 Факс: 5955106

420136 г. КАЗАНЬ А/Я 15
КАЗАНЬ – ТАТАРСТАН
Тел/Факс: (8432) 573012

480051 г. АЛМАТЫ.
Ул. БАЙТАСОВА, 91
КАЗАКСТАН
Тел: (3272) 914981, 697861. Факс: 910458

486050 г. ШЫМКЕНТ
ГЛАВ. ПОЧТАМТ А/Я 120
КАЗАКСТАН
Тел/Факс: (3252) 538796

СЎЗ БОШИ

Ҳазрат Мирзо Фулом Аҳмад 1835 йилда Ҳиндистондаги Панжоб вилоятининг кичкинагина қишлоғи Қодиёнда таваллуд топдилар. Ул зот 1889 йилда Аҳмадиййа Мусулмонлар Жамоасига асос солдилар ва ўзларини Масийҳи Мавъуд ва Имом Маҳдий деб эълон қилдилар. Бир неча софдил кишилар ул зотни тан олган бўлсаларда, кўпчилик ул зотга қарши чиқишди. Шунда илоҳий башоратларга кўра, Аллоҳ таоло уларга ўлат вабоси орқали азоб юборишга аҳд қилди ва 1898 йилнинг феврал ойида Ҳазрат Масийҳи Мавъуд алайҳиссаломга туш орқали шундай хабар берди:

Аллоҳ таолонинг фаришталари Панжобнинг турли ерларида қора рангли кўчат ўтқазмоқдалар. Ва бу дарахтлар ниҳоятда хунук, қоп-қора, даҳшатли ва пастак эди. Мен ўтқазувчилардан, бу қандай дарахт? деб сўраганимда, улар, бу яқин орада мамлакатда тарқаладиган ўлат касалининг дарахтлари, дея жавоб бердилар.

Ўлат касали каламушлардан тарқайди. Беморнинг иситмаси кўтарилади. Танасига яра тошади. Бу эса одамларни ҳалокат жарлигига етаклайди. Ушбу касаллик шундай зудлик билан тарқаладики, санокли кунлар ичида бутун бошлиқ қишлоқлар қирилиб кетади.

Қуръони карим, Ҳадис ва Инжил башоратларига кўра, Аллоҳ таоло Масийҳи Мавъуднинг рақибларига ўлат вабоси орқали қаттиқ азоб беради. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади:

وإذا وقع القول عليهم أخرجنا لهم دابة من الأرض

تكلّمهم إن الناس كانوا أبايتنا لا يؤمنون

Уларнинг устиларига сўз-азоб тушганида Биз улар учун ердан бир қурт чиқарурмиз, у уларни чақади. Чунки одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлиб қолган эдилар. (Намал сураси 83- оят)

Пайғамбаримиз^{са} марҳамат қиладилар:

فيرغب نبي الله عيسى و اصحابه فيرسل الله عليهم النغف
في رقابهم فيصبحون فرسى كموت نفس واحدة

Бас, Набийуллоҳ Масийҳ ва унинг саҳобалари диққат билан тинглайдилар. Ва Аллоҳ таоло уларнинг муҳолифлари бўйинларидан бир яра чиқзади. Бас эрталаб улар бир кишининг ўлимидай бўлиб қоладилар. (Муслим, Китобул фитан)

Инжилда Ҳазрат Масийҳ^{ас}нинг баёнига кўра ёзилди:

Халқ халққа қарши, подшолик подшоликка қарши кўтарилади. Айрим жойларда қаҳатчиликлар, ўлатлар, зилзилалар бўлади. (Матто 24:7 ва Лука 21:10)

Ҳазрат Масийҳи Мавъуд алайҳиссалом Аллоҳдан хабар топиб, ўша куниёқ билдирув чоп эттириб, кишиларни тавба-тазарру қилишга насихат қилдилар. Билдирув матбуотда чоп этилиши заҳоти бадфеъл душманлар киноя ва пичинг қила бошладилар. Ўша даврадаги маълум ва машҳур рўзнамалардан бири бўлган «Пайса Ахбор» шундай деб ёзган эди:

Мирзо одамларни шу йўсинда қўрқитиб туради. Қараб турунглар, унинг ўзига ўлат касали тегади.

Бу журъатнинг боиси шу эдики, ўша пайти Панжоб минтақасида ўлат касалидан дом-дарак йўқ эди ва бундай касалликнинг тарқалиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Бироқ келаси йилиёқ касаллик вужудга келди ва 1902 йилга келиб у шундай авжига чикдики, бутун бошлиқ оилалар кирила бошлади. Шўрликларнинг оғзига сув томизадиган кимса топилмай қолди ва мурдалар кўмилмасдан уйларида сасиб-чириб ётаверди. Ана шундай даҳшатли онларда Ҳазрат Масийҳи Мавъуд^{ас} «Дофиул бало ва меъёри ахлул астефо» номли китоб ёзиб, уни чоп эттирдилар. Ул зот кишиларни гуноҳлар ва бебошликлардан тавба қилишга чақирдилар ва ўзларининг ваҳийларидан бирини чоп эттириб, шундай деб ёздилар:

ان الله لا يغير ما بقوم حتى يغيروا ما بانفسهم انه اوى القرية

Яъни, Аллоҳ таоло одамлар ўз қалбларидаги фикрларидан фориғ бўлмагунча, ушбу ўлат касалини асло қайтармасликка аҳд қилди. Яъни улар Аллоҳ тайинлаган расулни тан

олмагунча, ўлат касали йўқолмайди. Ва Қодири мутлақ Худо Қодиёни ўлат ҳалокатидан асрайди. Токи одамлар Худонинг элчиси Қодиёнда яшагани туфайлигина ушбу минтақанинг ҳалокатдан қутулиб қолганлигини фаҳмлашсин.

Уқорида зикр этилган ваҳийнинг изоҳида Қодиён тўғрисида иккинчи бир башоратни ҳам баён этдилар:

لولا الاكرام لهلك المقام

Яъни, «агар Мен ушбу силсиланинг иззатини кўзда тутмаганда эдим, Қодиёни ҳам ҳалокатга дучор қилган бўлар эдим». Ушбу ваҳийдан икки хил нарсани тушуниб олса бўлади. Биринчидан, Қодиёнда ҳам инсон учун чидамли, камдан кам учрайдиган ҳамда кишиларнинг қочиб кетиши ва тўс-тўполонига сабаб бўлмайдиган бирорта қиргин-барот келтирувчи ҳодиса рўй бериши мумкин, негаки «камдан кам» деган ибора «йўқ» деган маънони англатади. Иккинчидан, албатта, Қодиёнга нисбатан, исёнкор, шаддод, золим, бадхулқ фасод қилгувчи ҳамда Силсиланинг ўтакетган душманлари истиқомат қиладиган шаҳар ва қишлоқларда ҳалокатли ўлат касаллиги пайдо бўлиши муқаррардир. Ҳаттоки, одамлар саросимага тушиб, ҳар томонга қочиб кетадилар. Биз «ово» сўзининг кенглигига мувофиқ шендай изоҳладик. Қодиён қиргин келтирадиган ўлат касалига дучор бўлмайди, деб биз даъво қиламиз. Ва билъакс, золим ва фасодчи бўлмиш бошиқа шаҳар ва қишлоқларда мудҳиш воқеалар рўй бериши муқаррардир. Бутун оламда биргина Қодиён қишлоғи учун бу хилдаги ваъда берилди. Фал ҳамду лиллоҳи ало золик.

Ул зот^{ас} ўз асосий душманларининг номларини айтиб ёздилар:

Аллоҳ таолога қасам ичиб айтаманки, Мен пайгамбарлар ваъда қилган ўша Масийҳи мавъудман. Мен тўғримда ва менинг даврим ҳақида Таврот, Инжил ва Куръони каримда ҳам хабар мавжуддирки, ўша пайти осмонда қуёш ва ой тутилади ва ерда ҳалокатли ўлат касали тарқалади. Менинг белгим шулки, менга қарши бўлган ҳар бир шахс қаерда яшашидан қатъий назар — хоҳ Амрўҳадами, Амритсардами,

Дехлидами, Калькуттадами, Лоҳурдами, Гўлрадами, Батоладами, — қасам ичиб ўзи яшайдиган ерни ўлат касалидан сақланиб қолади, деса ўша ер албатта, ўлат касалига дучор бўлади, негаки ўша киши Аллоҳга қариши густихлик қилган бўлади.

Аллоҳ таоло томонидан ул зот^{ас}нинг уй ҳақида шундай бир ваҳий келди:

انى احافظ كل من فى الدار الا الذين علوا من استكبار
و احافظك خاصة سلام قولاً من رب رحيم

Яъни, Мен такаббурга берилиб гердаиб юрадиган кимсалардан ташқари сенинг уйингда бўлгувчи ҳар бир инсонни ўлат касалидан сақлайман. Ва Мен сенинг ўзингни алоҳида асрайман. Раҳм-шафқатли Аллоҳ тарафидан сенга салом бўлсин.

Ҳазрат Масийҳи Мавъуд алайҳиссалом ушбу ваҳийни қуйидагича шарҳлаб қўйдилар:

Бундан менинг ушбу хоку гиштдан ясалган уйимда яшайдиган кишиларгина менинг уйимнинг ичидадур, деган маъно чиқармаслик керак. Балки тўлалигича менинг изимдан боргувчи кишилар ҳам менинг маънавий уйимга дахлдордурлар.

Иккинчи бир жойда Ҳазрат Масийҳи Мавъуд алайҳиссалом шундай ёзадилар:

Мен рўй-рост айтаманки, аслида йигирма-йигирма икки йилдан машҳур бўлиб келган, бу башоратга мувофиқ ҳолат зоҳир бўлмаса, унда мен Худо тарафидан эмасман. Менинг Аллоҳ томонидан эканлигимга исбот шулдирким, менинг уйимнинг чордевори ичида яшайдиган мухлис кишилар ўлат касалига чалинмайдилар ва бу хасталик менга тегишли инсонларни нисбатан ва мумкин қадар четлаб ўтади. Ва улардаги бу омонлик ҳеч бир гуруҳда кузатилмайди. Кишиларга қиргин-барот келтирадиган ўлат касаллиги Қодиёнга йўламайди. Илла кам ва шозу нодир.

Аллоҳ таолонинг юқорида зикр этилган ваъдасини инобатга олган ҳолда ул зот қариндош-уруғлари ва яқин кишиларни ўз уйларига қақариб олдилар. Ва Худои таоло уларни шундай аъло даражада

кўриқладики, ул зотнинг уйида шу касал туфайли сичқон ҳам ўлмади. Шу аснода баъзи бир мўъжизалар ҳам рўй берди. Китобхонлар диққатига биргина воқеа ҳавола этилади. Ул зот^{ac} куйидагича марҳамат қиладилар:

Ўлат касали авжига чиққан ва Қодиёнда ҳам ўлат бор бўлган кунлардан бирида. Маулавий Муҳаммад Али эм зага иситма чиқиб қолди. Беморни «бу ўлат касали эмасмикин?» деган фикр ўраб олди. Ва у ўлаётган одамдек васият қилди ҳамда муфтий Муҳаммад Содиққа ҳаммасини тушунтирди. У киши мен яшайдиган уйнинг бир қисмида яшар эди, ва бу уйга нисбатан Аллоҳ таолонинг ушбу каломи ваҳий бўлган эди: «Инний уҳофизу кулла ман фиддор». Мен бемордан хабар олгани борсам, у кишининг қаттиқ ҳаяжон ва ташвишида эканлигини билиб: «Агарда сиз ўлат касалига чалинган бўлсангиз», дедим мен, «демак мен ёлгончи эканман ва менинг ваҳий иддаом нотўғри экан», деб беморнинг билагидаги томирга қўл теккиздим. Илоҳий қудратининг бу ажибгина назорасига гувоҳ бўлдимки, қўл теккизганим заҳоти беморнинг бадани бир зумда совиб, иситмадан асар ҳам қолмади.

Аллоҳ таолонинг ваҳийига ул зот^{ac}нинг ишончининг нақадар кучлигига қарангки, ўзлари яшайдиган уйда ўлат касали содир бўлиши мумкин эканлигини тасаввур ҳам қила олмас эдилар.

Ўша кунларда ҳукумат ўлат касаллигидан сақлаш учун аҳолини эмлай бошлади. Ул ҳазрат^{ac} эмланишдан бош тортдилар ва «Кашти Нуҳ» деган бир китоб ёзиб, унда эмланишдан нега бош тортганларини баён этиб шундай ёздилар:

Агар фалакдан тақиқлаш бўлмаганида, энг аввало биз ўзимизни эмлатган бўлардик. Ва бу илоҳий тақиқлаши шундан иборатки, Худо инсонларга шу даврда бир осмоний раҳмат мўъжизасини кўрсатмоқчи бўлди. Бинобарин, Ул Зот менга хитоб этиб деди: Сен ва сенинг уйинг чордевори ичида яшайдиган ва сенга бўйсиниб мукаммал итоат қиладиган ҳамда чин тақво бирла сенга нисбатан меҳрда бўлган барча инсонлар ўлат касалидан сақланиладилар. Ва қавмлар ўртасида фарқни кўрсатиши учун шу сўнги кунларда Худонинг белгиси шундан иборат бўлди. Бироқ тўлиқ равишда

эргашмаган кимса сендан эмасдур. Бунга кўпам қайгурма.
Бу бир илоҳий ҳукмидир. Ва шул ҳукм боиси биз ўзимиз ва ўз
уйимиз ичида яшайдиганлар учун эмлатишга ҳеч қандай
ҳожат йўқ.

Муҳтарам китобхонлар! Одамлар каззоб ва дажжол деб атаган
бир шахс ўлат касалидан ҳали ном-нишон бўлмаганида унинг
келишини башорат қилади ва сўнгра ушбу офат авжига миниб
турган бир пайтда ўша шахс ўзининг ва бирга яшайдиганларнинг
ва яқинларининг ўлатдан омон қолишини башорат қилади ва
ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқади. Яна, Худо ўлат касалиги
Қодиён қишлоғини четлаб ўтади, деган хабарни берди ва ўз
муҳолифлари бўлмиш муллалар, пирлар, пандитлар ва попларга
муружаат этиб, сиз ҳам ўз шаҳарларингизни ўлатдан сақланиб
қолади, дея эълон қилсангиз, ўша шаҳар албатта барбод бўлади.
Шуниси ажабланарлики, ўзларини валиулло, деб атовчи ва Мирзо
Фулом Аҳмадни каззоб ва дажжолга чиқазувчиларнинг дами ичига
тушиб кетди!!!

Энди диққат билан қулоқ тутинг! Бу нарса бирорта каззоб ёки
дажжолнинг қўлидан келадиган ишми? Худо ёлғончига шундай
муомалада бўладими? Жаҳон тарихида бунга бирорта мисол
келтириш мумкинми? Асло!!! Фақат ва фақат Худонинг
элчиларигина бундай ишга кодирдирлар. Худо ўзининг суюкли
бандаларинигина шундай асраши мумкин.

Бундай буюк мўъжизанинг гувоҳи бўлган юз минглаб кишилар
ул зотни тан олдилар ва дунё-ю охиратдаги илоҳий азобларидан
кутулиб қолдилар.

Қўлларингиздаги китобча ул зотнинг «Кашти Нух» деган
китобнинг бир қисмидир. Аллоҳ таоло барча кишиларга Ҳазрат
Масийҳи Мавъуд, Имом Маҳдий алайҳиссаломни қабул этиб ва бу
пок таълимотга амал қилиб, Ўзнинг розилигига эришишлари насиб
этсин. (Омин, сумма омин.)

АБДУЛЛОХ ШАРОНИЙ
ФАҲРИДИЙН РОЗИЙ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Маълумингиз бўлсинким, байъат қасамёдига фақат сўздагина иқрор бўлиб, қалб амри билан унга тўла-тўкис амал қилмагунча барчаси бекор. Бас, менинг таълимотимга тўла-тўкис амал қилгувчи ҳар бир шахс Аллоҳ таолонинг куйидаги каломида ваъда қилинган менинг ўшал уйимга дахлдор бўлади:

إِنِّي أَحَافِظُ كُلَّ مَنْ فِي الدَّارِ

Яъни: Сенинг уйинг тўрт девори ичида тургувчи ҳар кимсани мен ўз паноҳимда асрайман.

Бундан менинг ушбу хоку ғиштдан ясалган уйимда яшайдиган кишиларгина менинг уйимнинг ичидадур, деган маъно чиқармаслик керак. Балки тўлалигича менинг изимдан боргувчи кишилар ҳам менинг рухий уйимга дахлдордурлар.

Издошлик қилмоқ учун зарур гаплар шуки, улар азалий-абადий ва ўзгармас сифатларга эга бўлган, қодир, доимий ва барчани яратгувчи Аллоҳга ишонсинлар. На У кимнингдир ўғли, ва на кимдир Унинг ўғлидир. У қийналиш, хочда азобланиш ва ўлимдан холидир. У шунақа эканки, узок бўлишига қарамасдан яқиндир, яқин бўлишига қарамасдан узокдир ва яккаю ягона бўлиши билан бирга Унинг жилвалари турличадир. Инсон томонидан янги бир тусдаги ўзгариш намоён бўлса, бу ҳолда У унинг учун янги бир Худо бўлиб намоён бўлади ҳамда янги бир жилва ила у билан муомала қилади. Инсон ўзида намоён бўлгувчи ўзгаришга қадар Аллоҳда ҳам ўзгаришни кўради. Бироқ шундай эмаски, Аллоҳда ўзгариш қарор топади, балки У азал-азалдан барқарор ва мутлақ баркамолдир. Лекин инсоний табдиллар жараёнида, инсонда яхшилик томонга ўзгаришлар содир бўлса, Аллоҳ ҳам янги

бир жилвада унга намоён бўлади. Инсонда вужудга келадиган ҳар бир ривожланган ҳолат вақтида Аллоҳ таолонинг қудратли тажалли-жилваси ҳам, янги бир кўтаринкилик бирла инсонга намоён бўлади. Фавқулудда ўзгаришлар содир бўладиган жойдагина У фавқулудда қудрат кўрсатади. Ажойиботлар ва мўъжизаларнинг илдизи ҳам ана шундадир. Силсиламизнинг шарти ҳам худди мана шу Аллоҳдир. Унга иймон келтиринглар. Ва ўз вужудингиздан, ўз орому ҳаловатингиздан ва ўзингизнинг барча муносабатларингиздан Уни устун қўйинглар. Амалий равишда баҳодирлик бирла Унинг йўлида софдиллик ва покликни намоён қилинганлар. Дунё ўз анжому ашёлар ва яқинларидан Уни устун қўймайди. Аммо сизлар Уни устун қўйинглар, токи сизларнинг номларингиз осмонда Унинг жамоатига битилсин.

Марҳамат нишонларини кўрсатиш қадим-қадимдан Аллоҳ таолонинг одатидир, бироқ Унинг ана шу марҳаматидан улушни олишингиз учун ягона йўл шудирки, сизлар ва Унинг ўртангизда ҳеч бир айрилиқ бўлмасин. Ҳамда сизларнинг инон-ихтиёрингиз Унинг инон-ихтиёрига, сизларнинг хоҳиш-истакларингиз Унинг хоҳиш-истакларига айлансин. Ва сизларнинг бошингиз ҳар вақт, муродингизга етган ва етмаган ҳар бир ҳолатда Унинг оstonасига қўйилган бўлсин, токи У нени хоҳласа шуни қилсин. Агар сизлар шундай қилсангизлар, кўпдан бери ўз юзини яшириб олган Аллоҳ сизлар орангизда намоён бўлади. Орангизда шунга амал қиладиган, Унинг ризолигига талабгор бўлган ва Унинг улашган қисмати кадр-қийматидан норози бўлмаган бирорта шахс топиладими? Шундай экан, сизлар мусибатга дучор бўлсангиз, яна ҳам олға қадам ташланглар, чунки бу сизларнинг ривож топишингиз воситасидир. Унинг ягоналигини еру заминга ёйиш учун бор кучингиз билан ҳаракат қилинганлар. Унинг бандаларига раҳм-шафқат қилинганлар. Уларга тилингиз ё қўлингиз билан ёхуд бирор бир чора-тадбир орқали зулм қилманглар. Халқнинг фаровонлиги учун ҳаракат қилаверинглар. Бирорта шахсга гарчи у ўзингизга тобе бўлса ҳам такаббурлик қилманглар. Қолаверса, бирорта шахс сизни сўқаётган бўлса-да, сизлар

уни сўкманглар. Ювош, юмшоқ табиат, яхши ниятли ва халққа ҳамдард бўлинглар, токи Аллоҳ ҳузурда қабул этилиш сизга насиб қилсин. Ўзини юмшоқтабиатли қилиб кўрсатадиганлар кўп, аммо улар ич-ичидан бўридирлар. Ташқи кўриниши тоза, лекин ичидан илонлар ҳам кўпдир. Зеро, зохиру ботин бир хил бўлмагунча, сизлар унинг ҳузурда қабул этила олмайсизлар. Катта бўлгач, кичикларга раҳм-шафқат қилинглар, уларни камситманглар. Олим бўлгач, нодонларга насиҳат қилинглар, зинҳор-базинҳор мақтанчоқлик қилиб, уларни ерга урманглар. Бой-бадавлат бўлгач, камбағалларнинг ҳожатини чиқаринглар, ўзингизга ортиқча бино қўйиб, уларга нисбатан асло такаббурлик қилманглар. Ҳалокат йўлларида кўрқинглар. Аллоҳдан кўрқинглар ва тақводорлик йўлини ихтиёр айланглар. Махлуқотга сиғинманглар. Ўз Эгангиз томонига ружу қилинглар. Молу дунёга меҳр қўйманглар. Аллоҳнинг бандалари бўлиб яшанглар ва Ул зот учун ҳаёт кечиринглар. Ҳамда Уни дея ҳар бир нопоклик ва гуноҳдан нафратланинглар, чунки Ул зот покдир. Шу нарса лозимдирки, ҳар бир тонг сизларнинг тақво бирла тунни ўтказганлигингиз ҳақида гувоҳлик берсин. Ва ҳар бир оқшом сизларнинг кўркиб-кўркиб кунни ўтказганлигингиз ҳақида гувоҳлик берсин.

ДУНЁНИНГ ЛАЪНАТЛАРИДАН ҚЎРҚМАНГЛАР

Дунёнинг таъналаридан кўрқманглар, улар тутун каби тезда тарқалиб кетади. Улар кунни тунга айлантира олмайди. Балки сизлар Аллоҳнинг лаънатидан кўрқинглар. Ушбу лаънат осмондан кимнинг бошига тушса, ўшанинг иккала дунёсини барбод қилади. Сизлар риёкорлик билан ўзларингизни сақлаб қололмайсизлар, чунки сизларнинг Аллоҳингизнинг нигоҳи инсоннинг энг пинҳоний жойигача ҳам етади. Бас, бу ҳолда сизлар Уни алдай оласизларми? Шунинг учун сизлар ўзингизга тўғри, ростгўй бўлинглар, тоза бўлинглар, пок бўлинглар ва ҳалол бўлинглар. Агар сизларда заррача жаҳолат қолса, у сизлардаги бутун зиёсини йўқ қилиб юборади. Агар сизларнинг

бирор жиҳатингизда такаббурлик, риёкорлик ёхуд манманлик ёки дангасалик бўлса, у ҳолда сизлар Аллоҳ томонидан қабул қилинишга лойиқ эмасдирсизлар. Тагин сизлар бир неча нарсани инobatга олиб, биз нимаики иш қилишимиз керак эди, биз уни қилиб бўлдик, деб ўзингизга-ўзингиз фириб бера кўрманг. Чунки Аллоҳ сизларнинг вужудингизда тамомила инқилоб бўлишини истайди. Ул зот сизлардан бир ўлимни талаб қилади ва сўнгра сизларни тирилтиради. Шундай экан, сизлар ўзаро дарҳол сулҳ тузинглар ва ўз биродарларингизнинг гуноҳларини кечиринглар. Чунки ўз биродари билан сулҳ тузишга рози бўлмаган инсон разилдир. У чопилиб ташланади, негаки у нифоқ солувчидир. Сизлар ўз нафсониятингизга ҳар жиҳатдан барҳам беринглар ва ўзаро хафагарчилигингизни унутинглар. Ростгўй бўла туриб, ёлгончидек ожизлик кўрсатинглар, токи Аллоҳ сизларни кечирсин. Нафсониятнинг тўлалигини тарк этинглар, сизлар киришингиз учун мўлжалланган эшикдан қандайдир бир семиз одам кира олмайди.

Аллоҳнинг оғзидан чиққан ва мен баён қилган ушбу гапларни тан олмайдиган киши нақадар бадбахтдур. Агар осмонда Аллоҳ сизлардан рози бўлишини истасангиз, у ҳолда сизлар бир қориндан тушган икки ака-укадек баҳамжиҳат бўлинглар. Ўз биродарининг гуноҳларини кўпроқ кечирадиган кишигина, сизлар орангизда энг олийжанобдур. Ўжарлиги тутиб кечирмайдиган киши бадбахтдур. Зеро, унинг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Аллоҳнинг лаънатидан жуда кўрқинглар, чунки У муқаддас ва мағрурдур. Ёмон одам Аллоҳнинг унга яқинлашиш марҳаматига эга бўла олмайди. Мутакаббир унга яқинлаша олмайди. Золим ҳам унга яқинлашиш шарафига муяссар бўла олмайди. Хиёнатчи ҳам бу марҳаматга эга бўла олмайди. Аллоҳнинг номи учун орият кўрсатмайдиган киши ҳам унга яқинлаша олмайди. Итлар, чумолилар ва йиртқич қушлар каби ўз ўлжасига ёпириладиганлар ва ўз оромини молу дунёдан

топадиганлар ҳам Аллоҳга яқинлаша олмайдилар. Ҳар бир нопок кўз ундан узоқ ва ҳар бир нопок қалб ундан беҳабардир. Аллоҳ учун оловда бўлган кимса, оловдан кутқарилади. У учун йиғлайдиган одам, кулади. Аллоҳ учун дунёдан ўзининг алоқасини узадиганларга У топилади. Сизлар чин юракдан, сидқидилдан ва ғайрат билан қадам ташлаб, Аллоҳнинг дўсти бўлинглар, токи У ҳам сизларга дўст бўлиб қолсин. Сизлар ўзингизга тобе бўлганларга, хотинларингизга ва камбағал биродарларингизга раҳм-шафқат қилинглар, токи осмонда сизларга ҳам раҳм-шафқат бўлсин. Сизлар чиндан ҳам Уники бўлиб қолинглар, токи У ҳам сизники бўлиб қолсин. Дунё минг-минглаб балою офатларга макондир. Бас, сизлар сидқидилдан унга дўстлик қўлини чўзинглар, токи У балою офатларни сизлардан йироқлаштирсин. Осмондан буйруқ бўлмагунча, ҳеч қандай бало-офат ерда юз бермайди. Осмондан раҳм-шафқат нозил бўлмагунча, ҳеч бир бало-офат бартараф бўлмайди. Демак, сизларнинг зийраклигингиз шундан иборатки, сизлар шохни эмас, илдизни ушланглар. Дори-дармон ва чоратадбир сизлар учун ман этилмаган, бироқ уларгагина таяниш ман этилади. Оқибат-натижада Аллоҳнинг иродаси нима бўлса, ўша бўлади. Кимнингдир қўлидан келса, Аллоҳга таваккал қилиш ҳаммасидан юқоридир.

ҚУРЪОННИ ЭЪЗОЗЛАЙДИГАНЛАР ОСМОНДА ЭЪЗОЗ ТОПИШАДИ

Сизлар учун яна бир муҳим таълим шуки, Қуръони каримни кераксиз нарса сингари қўйманглар, чунки ҳаётингиз айнан шундадир. Қуръонни эъзозлайдиганлар осмонда эъзоз топишади. Ҳар бир ҳадис ва ҳар бир ҳикматдан Қуръонни устун қўядиган кишилар осмонда устун қўйилади. Инсоният учун ҳозир ер юзида Қуръондан бошқа ҳеч бир Китоб йўқ. Барча одамзот учун ҳозир Муҳаммад Мустафо^{са}дан бошқа ҳеч бир расул ва шафоат қилгувчи йўқдир. Шунинг учун, сизлар сидқидилдан ул олийшон пайғамбарни севишга интилинглар. Ул зотдан бошқага ҳеч қандай улуғлик даражасини берманглар, токи

сизлар осмонда нажот топганлар қаторидан жой олгайсиз. Шунн эсингизда тутингларки, нажот ўлимдан кейин намоён бўладиган нарса эмас, балки ҳақиқий нажот мана шу дунёда ўз зиёсини намоён қилади. Нажот топган киши ким ўзи? У шунга ишонадики, Аллоҳнинг борлиги ҳақдур, Муҳаммад^{са} эса Ул Зот ва барча бандалар ўртасида шафоат қилгувчидир. Осмон остида мартабаси ул зотга тенг келадиган ҳеч бир пайғамбар йўқдур ва Куръон каби олий мартабали Китоб ҳам йўқдур. Аллоҳ ҳеч бир кимсанинг ҳамиша барҳаёт бўлишини хоҳламади, лекин бу муҳтарам пайғамбар^{са} ҳамиша барҳаётдир. Ул зотнинг ҳамиша барҳаёт бўлиши учун Аллоҳ таоло шундай бир асос солдики, унинг шаръий ва руҳий файзу баракотларини қиёмат кунигача давом эттирди. Ниҳоят, ул зотнинг руҳий файзу баракотлари орқали Ислом иморатини мукаммаллаштириш учун келиши зарур бўлган ушбу Масийҳи Мавъудни дунёга юборди. Албатта, бу дунё тугаб қолмасдан олдин Мусо^{ас} пайғамбар силсиласига (Масийҳ^{ас}) берилганидек, Муҳаммад^{са} пайғамбар силсиласига ҳам руҳий жиҳатдан бир Масийҳ^{ас} берилиши зарур эди. Қуйидаги оят ана шунга ишора қилади.

إِهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ

Илгариги одамлар йўқотган неъматни Мусо^{ас} топдилар ва Мусо^{ас} силсиласи йўқотган неъматни ҳазрат Муҳаммад^{са} топдилар. Ҳозир эса Муҳаммад^{са} пайғамбар силсиласи Мусо^{ас} пайғамбар силсиласи ўрнини эгаллади, бироқ шон-шухратда ундан минглаб даража юқоридир. Масиле Мусо (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мусо^{ас}дан юқоридир ва масиле Ибни Марям, Ибни Марям^{ас}дан юқоридир. Масийҳ ибни Марям^{ас} Мусо^{ас}дан сўнг XIV асрда пайдо бўлганидек, ўшал Масийҳи Мавъуд нафақат муддат жиҳатдан Онҳазрат^{са}дан кейин XIV асрда пайдо бўлди, балки у шундай бир пайтда пайдо бўлдики, ўшанда мусулмонларнинг аҳволи худди Масийҳ ибни Марям^{ас} пайдо бўлган пайтда яҳудийларнинг аҳволидек бўлган эди. Дарвоқе

ўша Масийҳи Мавъуд менман. Бас, кимда-ким менга чиндан ҳам байъат (қасамёд) қилиб, менинг издошим бўлса ва бутунлай менинг итоатимда бўлиб, ўзининг бошқа барча иродаларини тарк этса, ўшангагина бу бало-офатлар кунларида менинг рухим шафоат қилади.

ЭЙ МЕНИНГ ЖАМОАТИМГА КИРГАН ИНСОНЛАР!

Эй, ўзларини менинг жамоатим ҳисоблаган одамлар! Такво йўлларига қадам қўйган заҳотиёқ, сизлар осмонда менинг жамоатимга кирган ҳисобланасизлар. Шунинг учун ўзингизнинг беш вақт намозингизни шундай бир хавф ва қалб ҳаловати билан ўқингларки, гўё сизлар Аллоҳ таолони кўряпсизлар. Аллоҳ учун сидқидилдан рўзаларингизни камол топтиринглар. Закот беришга қодир ҳар бир киши закот берсин. Кимда-ким ҳаж сафарини адо этишга қобилу қодир бўлса ва ҳеч қандай тўсиқ бўлмаса, ҳаж сафарига борсин. Яхшиликни авайлаб-эъозлаб адо этинглар ва ёмонликни ундан безор бўлиб тарк этинглар. Шубҳасиз, шуни эсингизда сақлангки, такводан холи бўлган ҳеч бир амал Аллоҳга етиб бормайди. Ҳар бир яхшиликнинг илдизи — такводир. Қайси бир амалда бу илдиз зое бўлмаса, амалнинг ўзи ҳам зое кетмайди.

Аввалги мўъминларга синов бўлганидек, сизларга ҳам хилма-хил ранжу мусибатлар орқали синов бўлиши зарурдир. Шунинг учун огоҳ бўлинглар, тагин қоқилиб кетманглар. Агар сизлар Осмон билан мустаҳкам алоқада бўлсангиз, Ер сизларга ҳеч қандай зиён етказа олмайди. Сизлар қачонлардир ўзингиз зиён кўрадиган бўлсангиз, душман қўллари билан эмас, ўз қўлларингиз билан зиён кўрасиз. Агар сизларнинг Ердаги бор иззатингиз йўқолиб кетса, Аллоҳ сизларга Осмонда битмас-тугалмас иззат ато этади. Зеро, сизлар Уни унутиб қўйманглар. Сизлар азоб берилишингиз ва сизларнинг баъзи бир умидларингиз пучга чиқарилиши лозимдир. Бас, сизлар бундай ҳолатларда ҳеч дилгир бўлманглар, чунки сизларнинг Парвардигорингиз сизларни Унинг йўлида собитқадам ёки

нособитқадам эканингизни синаб кўради. Агар осмонда фаришталар ҳам сизларни мақташни хоҳласангиз, у ҳолда сизлар калтак еб, хурсанд бўлинглар, сўкиш эшитиб, шукр қилинглар. Муваффақиятсизликка учраб, Аллоҳ билан алоқангизни узманглар. Сизлар Аллоҳнинг охири жамоасидурсизлар. Шунинг учун ўз камолотида ниҳоятда юқори даражадаги яхши амалларни намоеън қилинглар. Орангизда кимда-ким сусткашлик қилса, у жирканч бир нарса каби жамоадан чиқариб ташланади ва армонда ўлиб кетади ва Аллоҳга ҳеч ҳам зиён етказа олмайди. Қаранглар, Мен жуда хурсандчилик билан хабар бераман: сизларнинг Аллоҳингиз чиндан ҳам мавжуддир. У барчани яратган бўлса-да, лекин кимки, Аллоҳни танласа, Аллоҳ ҳам уни танлаб олади. Кимда-ким Аллоҳга яқин бўлса, У ҳам унга яқин келади. Кимда-ким Аллоҳни эъзозласа, У ҳам ўшани эъзозлайди. Сизлар ўз дилларингизни софлаб, тилларингиз, кўзларингиз ва кулоқларингизни поклаб, Аллоҳ олдига боринглар, токи У сизларни қабул қилсин.

ОНҲАЗРАТ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ХОТАМУЛ АНБИЁДУРЛАР

Ақидага кўра, Аллоҳ таоло сизлардан, У яккаю ягонадир ва Муҳаммад^{са} Унинг пайғамбари, хотамул анбиё ва барчалардан афзалроқдир, деб тан олишларингизни хоҳлайди. Энди ул зотдан кейин маънавий жиҳатдан ул зотнинг руҳий ридосига ўралган кишидан бошқа ҳеч бир набий йўқ. Чунки хизматкор ўз хўжасидан ажралмасдир ва новда ҳам ўз танасидан ажралмасдир. Ва сизлар шундай деб албатта тушунингларки, Исо ибни Марям^{ас} ўлган. Ва Кашмир водийсининг Сринагар шаҳридаги Хонёр маҳалласида унинг қабри мавжуддир. Аллоҳ таоло Ўзининг муқаддас Китобида унинг ўлганлиги ҳақида хабар берган. Мен Ҳазрат Исо^{ас}нинг шон-шуҳратини инкор этмайман, ваҳоланки Аллоҳ таоло менга, Масийҳи Муҳаммадий, Масийҳи Мусавийдан афзалдир, деб хабар берган. Лекин мен Масийҳ ибни Марям^{ас}ни жуда хурмат қиламан,

чунки маънавий жиҳатдан мен худди Масийҳ ибни Марям^{ас} Исроилий силсиласида хотамул хулафо бўлганидек, Ислом динида хотамул хулафومان. Мусо^{ас}нинг силсиласида ибни Марям Масийҳи Мавъуд бўлган эди. Муҳаммадий силсиласида эса мен Масийҳи Мавъудман. Шундай экан, Мен ўз номдошимни ҳурмат қиламан. Менга, сиз Масийҳ ибни Марям^{ас}ни ҳурмат қилмайсиз, дейдиганларни бузғунчи ва тухматчи деб ҳисоблайман.

КИМЛАР ЖАМОАТИМДА ВА КИМЛАР ЖАМОАТИМДА ЭМАС?

Юқорида айтиб ўтилган ҳамма гаплардан кейин мен яна такрор айтаманки, биз зоҳиран байъат қилдик, деган хаёлга борманглар. Сирт ҳеч нарса эмас. Аллоҳ сизларнинг дилларингизни кўриб туради ва ана шунга мувофиқ сизлар билан муомала қилади. Қаранглар, шундай қилиб, мен бу гапларни айтиб, ташвиқот қилиш бурчимдан озод бўламан: Гуноҳ бир заҳардир, уни истеъмол қилманглар. Аллоҳга итоатсизлик ярамас бир ўлимдир, ундан сақланинглар. Дуо қилинглар, токи сизларга куч берилсин. Кимда-ким ваъданинг истисносидан ташқари дуо вақтида Аллоҳни ҳар нарсага қодир деб билмаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким ёлғончилик ва фирибгарликни тарк этмаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким мол-дунёга ўч бўлса ва охират томонга бир қиё боқиб ҳам қарамаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким ҳақиқатан ҳам динни мол-дунёдан устун қўймаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким ҳар бир ёмонлик ва ҳар бир ёмон фаолиятдан, яъни ароқхўрлик, қиморбозлик, шаҳватпарастлик, хиёнат, порахўрлик ва ҳар бир ножоиз амалиётдан тўлалигича ўзини тиймаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким беш вақт намозни мунтазам равишда ўқиб турмаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким дуо қилиб турмаса ва Аллоҳни камтарлик билан эсламаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким салбий таъсир кўрсатувчи ёмон дўстдан

воз кечмаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким ўз ота-онасини иззат-хурмат қилмаса ва Қуръонга зид бўлмаган маъруфий амрларни бажо келтирмаса ва фарзандлик бурчини адо этмаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким ўз рафиқаси ва унинг қариндошлари билан юмшоқлик ва эҳсон билан муносабатда бўлмаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким ўз қўшнисига оддийгина яхшиликни ҳам раво кўрмаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким ўзига нисбатан айбдор кишининг гуноҳларини кечиришни хоҳламаса ва кўнглида гина сақласа, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Ҳар кимки, хоҳ у эр бўлсин, хоҳ хотин, агар улар бир-бирига хиёнат қилса, уларга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким мени ҳақиқатдан ҳам Масийҳи Мавъуд ва Маҳдий Маъхуд, деб ҳисобламаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким маъруф амрларда менга итоат этишга тайёр бўлмаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Кимда-ким менга муҳолиф бўлганлар жамоатида ўтириб, уларнинг гапларига бош ирғаб турса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ. Ҳар бир зинокор, фосик, ароқхўр, қонхўр, ўғри, қиморбоз, хиёнатчи, порахўр, юлғич, золим, ёлғончи, муттаҳам ва уларнинг ҳамтовоғи ҳамда ўз ака-укаларию опа-сингилларига тухмат қилувчи, агар у ўзининг ёмон амалларидан тавба қилмаса ва ёмон улфатлар доирасини тарк этмаса, унга менинг жамоатимда ўрин йўқ.

Буларнинг ҳаммаси заҳардир. Сизлар бундай заҳарларни истеъмол қилиб, асло қутулиб қолмайсизлар. Ахир қоронғулик билан ёруғлик бир жойда жам бўла олмайди-ку!? Кимда-ким ниҳоятда чалкаш табиатли бўлса ва Аллоҳ билан яхши алоқада бўлмаса, у софдил одамларга насиб бўладиган баракатга ҳеч қачон эга бўла олмайди. Ўз дилларини тозалайдиган ва ўз қалбларини ҳар қандай жирканчликдан пок тутувчи кишилар, ҳамда ўз Аллоҳига вафодор бўлишига аҳду паймон қиладиганлар, нақадар саодатлидирлар! Чунки улар ҳеч қачон зое қилинмайдилар. Аллоҳ таоло уларни ҳеч ҳам шарманда қилмайди. Чунки улар Аллоҳники, Аллоҳ эса уларникидир.

Улар ҳар қандай балою офатлар вақтида сақланиб қоладилар. Уларга қасд қилган душман аҳмоқдир. Чунки улар Аллоҳнинг паноҳидадирлар, Аллоҳ эса уларнинг ҳимоячисидир. Ким Аллоҳга иймон келтирди? Мана шу хилдаги кишиларгина. Кимки оғзи бўш, гуноҳкор, ичи қора ва баднафс киши ҳақида қайғурса, у ҳам аҳмоқдир, чунки у ўзи ҳалок бўлади. Аллоҳ таоло осмону заминни яратганидан бери ҳеч қачон шундай ҳодиса содир бўлмаганки, У яхшиларни барбод, ҳалок ва несту нобуд қилган бўлсин, балки У уларга ҳар доим катта-катта кароматлар кўрсатиб келган ва бундан буён ҳам кўрсатаверади.

БИЗНИНГ АЛЛОҲИМИЗ БУЮК ҚУДРАТЛАР ЭГАСИДИР

У Аллоҳ жуда ҳам вафодор Аллоҳдир. Унга вафодор бўлганларга унинг ажойиб ишлари намоён бўлади. Дунё бундай кишиларни ғажиб ташлашни истайди ва ҳар бир душман буларга тишини қайрайди. Бироқ уларга дўст бўлмиш Аллоҳ, ҳар бир ҳалокат жойидан уларни қутқариб қолади ва ҳар бир майдонда уларга ғалаба ато этади. Ана шу Аллоҳнинг этагини кўймайдиган киши нақадар бахтлидир! Биз Унга иймон келтирдик. Биз Уни танидик. Менга ваҳий нозил қилган, мен учун юксак кароматлар кўрсатган ва мени бу давр учун Масийҳи Мавъуд қилиб юборган Аллоҳ, бутун дунёнинг Аллоҳидир. Ундан бошқа ҳеч бир худо йўқдир, на осмонда, на ерда. Кимки Унга иймон келтирмаса, у саодатдан маҳрум ва гумроҳликка гирифтордир. Биз ўзимиз Аллоҳимизнинг қуёш каби равшан ваҳийсига сазовор бўлдик. Биз Уни кўриб билдикки, дунёнинг Худоси Ўшадур ва Ундан бўлак ҳеч бир худо йўқ. Биз топган Аллоҳ нақадар қодир ва қаюмдир. Биз кўрган Аллоҳ нақадар буюк куч-қудрат эгасидир. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг Китоби ва ваъдасига қарши бўлган ишлардан ташқари Унинг олдида ҳеч бир иш амалга ошмасдан қолмайди. Шундай экан, сизлар дуо қилганларингизда нодон материалистлардай иш тутманглар, улар Каломуллоҳнинг муҳри бўлмаган қандайдир бир табиат қонунини ўзларича ўйлаб

чиқариб олган. Улар рад этилгандир ва бундайларнинг дуолари ҳеч қачон ижобат бўлмайди. Улар кўзи очиқ кўрдирлар. Улар тирик эмас, ўликдирлар. Аллоҳ олдида ўзлари ясаган қонунларни пеш қилиб, Унинг чексиз куч-қудратини чеклашади ва Уни кучсиз, деб ҳисоблайдилар. Бас, буларнинг аҳволларига қараб, улар билан муомала қилинажак.

Лекин сиз дуо қилганингизда, шунга ишонишингиз лозимки, сизнинг Аллоҳингиз ҳар нарсага қодирдир. Ўшанда сизнинг дуоингиз мустажоб бўлади ва сиз биз кўрган илоҳий қудратнинг ажойиботларини кўрасиз. Бизнинг гувоҳлигимиз қиссаю дoston эмас, кўз билан кўргандай. Аллоҳни ҳар бир нарсага қодир, деб тан олмайдиган кишининг дуоси қандай қилиб ижобат бўлсин ва унинг наздида табиий қонунга зид бўлган катта-катта қийинчиликларда ўзига дуо қилишга қандай журъат қилсин? Магар, эй саодатли инсон! Сен бундай қилмагил! Сенинг Аллоҳинг, сон-саноксиз юлдузларни ҳеч қандай устунсиз ростлаб қўйган ва еру осмонни йўқдан бор қилган Аллоҳдир. Наҳотки сен, У менинг ишимда ожизлик қилади, деган гумонга борсанг? Балки, сенинг гумонинг сени маҳрум айлар? Бизнинг Аллоҳимизда сон-саноксиз ажойиботлар бор. Лекин сидқидилдан ўзларини Унга бахшида этган шахсларгина ушбу ажойиботларни кўришлари мумкин. Унинг куч-қудратига ишонмайдиган ва Унга садоқатли вафодор бўлмаган кишиларга У бу ажойиботларни намоён этмайди.

Унинг биттагина Худоси борлигини ва У ҳар бир нарсага қодир эканлигини шу пайтгача билмайдиган инсон нақадар бадбахтдир! Бизнинг жаннатимиз бизнинг Аллоҳимиздир. Бизнинг олий лаззатларимиз бизнинг Аллоҳимиздадир. Чунки мен Уни кўрдим ва ҳар бир гўзалликни Ундан топдим. Бундай давлат эгалик қилишга лойиқдир, гарчи жон фидо қилишга тўғри келса ҳам. Бу жавоҳир харид қилишга лойиқдир, гарчи бутун вужудни қурбон қилиб, бўлса ҳам. Эй маҳрумлар! Ана шу чашма томон ошиқинглар, у сизларнинг чанқоғингизни кондиради. Бу ҳаёт чашмаси бўлиб, сизларни кутқаради. Мен

қандай қилиб ва қайси йўл билан ушбу хушxabарни дилларга жо қилай? Қайси йўл билан мен чилдирма чалиб, бозорма-бозор юриб халққа жар солай, токи сизларнинг Аллоҳингиз ана шундай эканлигини халқ эшитиб олсин. Мен қайси доридармон билан кишиларни даволайки, бу гапларни эшитиш учун уларнинг қулоқлари очилсин!

АЛЛОҲ БИЗНИНГ БАРЧА ТАДБИР-ЛАРИМИЗНИНГ ТЎСИНИДИР

Агар сизлар Аллоҳники бўлиб кетсангиз, билиб қўйингларики, Аллоҳ албатта сизларникидир. Сизлар ухлаб қолган бўлганларингизда, Аллоҳ таоло сизлар учун бедор бўлажак. Сизлар душмандан ғофил бўлганларингизда, Аллоҳ уни кўради ва унинг режаларини йўққа чиқаради. Аллоҳингизда не-не кудратлар бор эканлигидан ҳамон беxabарсизлар. Агар сизлар Уни билганларингизда эди, мол-дунё учун қаттиқ ғам чекадиган кунни кўрмаган бўлардингизлар. Бирорта хазина эгаси ўз мулкидан бир чақа йўқолиб кетганида, у учун дод-фарёд солиб, ўлимга маҳкум бўладими? Ёки бўлмаса, сизлар Аллоҳ ўзингизнинг ҳар бир ҳожатингизни бажо келтиришига иймон келтириб, ана шу хазинадан хабар топсангиз, у ҳолда сизлар мол-дунё учун нечун ўзингизни шу қадар йўқотиб қўясизлар? Аллоҳ — бир ажойиб хазинадир. Уни қадрланглар, У ҳар қадамингизда сизларга мададкордир. Усиз сизлар ҳеч нарса эмассизлар ва сизларнинг мол-дунёю тадбирларингиз ҳам ҳеч аҳамиятга эга эмас. Буткул мол-дунё учун муккасидан кетган бошқа қавмларга тақлид қилманглар. Улар худди илон тупроқ ялаганидек, арзимаган бир мол-дунёнинг тупроғини яладилар. Худди йирткич қушлар ва итларнинг ўлакساني еганидек, улар ҳам ўлаксага тишларини қайраганлар. Улар Аллоҳдан жуда узоқлашиб кетдилар. Инсонларга сиғинишди, чўчқани едилар, ароқни сув ичгандек ичдилар. Улар мол-дунёга ҳаддан ташқари ҳирс қўйганлик ва Аллоҳдан куч-қувват сўрамаганликлари сабабли ўлиб кетдилар. Осмоний рух худди кабутар ўз уясидан

учиб кетганидек, уларнинг кўрак қафасларидан чиқиб кетди. Улар ичида молпарастлик мохови ўрнашиб олган, у уларнинг барча ички аъзоларини емириб ташлаган. Қисқаси, сизлар ана шу моховдан кўрқинглар. Мен сизларга маълум меъёрда чора-тадбирлардан фойдаланишни ман этмайман, балки мен сизларга бошқа қавмлар каби бутунлай чора-тадбирларнинг кули бўлиб, уларни муҳайё қилувчи Аллоҳни унутиб қўйманглар, деб ман этаман. Кўзингиз бўлганида, сизлар шуни кўрардингиз: Аллоҳ, Аллоҳдир, бошқа ҳаммаси ҳеч вақодир. Унинг изнисиз сизлар ўз кўлингизни на узайтира оласизлар, на уни ёпиштира оласизлар. Бир (маънавий) мурда бунинг устидан кулмоқчи бўлади, аммо бу кулгидан кўра унинг ўлиб кетгани яхшироқ бўлар эди.

ОГОҲ БЎЛИНГ! БОШҚА ҚАВМЛАРГА ТАҚЛИД ҚИЛМАНГЛАР

Огоҳ бўлинглар! Сизлар улар дунё режалари бўйича жуда илгарилаб кетдилар, келинлар биз ҳам уларнинг йўлидан борайлик, деб бошқа қавмларга тақлид қилишдан ўзингизни тийинглар. Кулоқ солинг ва билиб қўйинглар: улар сизларни Ўз томонига чорлаётган Аллоҳдан ғофилдирлар ва Унга мутлақо бегонадирлар. Уларнинг Аллоҳи нима ўзи? У бир камтар инсондир. Шунинг учун улар ғафлатда қолдирилганлар. Мен сизларни дунёдаги касблар ва ҳунарлардан баҳраманд бўлишингизга монелик қилмайман. Лекин сизлар дунёни ҳамма нарсадан юқори кўядиганларга издош бўлманглар. Сизларнинг ҳар бир ишингизда, хоҳ у дунёвий бўлсин, хоҳ диний, Аллоҳдан куч-қудрат ва ёрдам сўраш одатини давом этаверишингиз лозимдир. Лекин фақат қуруққина сўзда эмас, балки сизларнинг ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир барака осмондангина нозил бўлади, деган эътиқодингиз бўлсин. Ҳар бир юмушингиз ва мушқулингизда биронта чора-тадбир кидиришдан олдин сизлар ўз ишигингизни беркитиб, Аллоҳнинг остонасига йиқилиб, ё Аллоҳ, ўз марҳаматинг бирла бизнинг шу мушқулимизни осон

қилгин, деганингиздагина сизлар содиқ ҳисобланасизлар. Ўшанда Рухул қудус сизларга ёрдам қилади ва ғойибдан сизларга қандайдир бир йўл очилади. Ўз жонларингизга раҳм қилинглар. Аллоҳ таоло билан бутунлай ўз алоқасини узиб қўйган ва бутунлай мол-дунёга юзтубан кетган, ҳаттоки куч-қудрат сўраш учун оғзидан «иншоаллоҳ» деган иборани ҳам чиқармайдиганларнинг изидан борманглар. Аллоҳ сизларнинг кўзларингизни очсин, токи сизларга шу нарса аён бўлсинким, сизларнинг Аллоҳингиз барча чора-тадбирларингизнинг тўсинидир. Борди-ю, тўсин қулаб тушса, тахтаю тоқилар томда устувор бўлиб туриши мумкинми? Йўқ, балки улар бирдан қулаб тушадилар ва оқибат-натижада баъзи кишиларнинг ўлиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, Аллоҳнинг ёрдамисиз чора-тадбирларингиз устувор бўла олмайди. Агар сизлар ундан мадад сўрамасангиз ва ундан куч-қудрат сўрашни ўзингизга бир тамоил қилиб белгилаб олмасангиз, ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайсизлар ва оқибатда дилда армон билан ўлиб кетасизлар.

Бўлмаса, бошқа қавмлар сизларнинг комилу қодир Аллоҳингизни билмай туриб, нима учун муваффақият қозонмоқдалар, деган хаёлга борманглар. Бунга жавоб шуки, улар Аллоҳни унутганлиги туфайли дунё синовига мубтало қилинганлар. Аллоҳнинг имтиҳони гоҳо мана бундай ўтади: кимда-ким Уни унутса ва дунё ишратию лаззатларини ўз дилига пайваста қилса ва дунёнинг мол-давлатига эга бўлиш иштиёқида юрса, дунёнинг дарвозалари бундай шахс учун очиб қўйилади ва у дин жиҳатидан ғирт қашшоқ ҳамда яланғоч бўлади. Ахири у дунё ҳақида уйлайвериб, ўлиб кетади ва абадий¹ жаҳаннамга ташланади. Аллоҳнинг имтиҳони гоҳо мана бу тусда ҳам ўтадики, бундай шахс дунё бўйича ўз муродига етказилмайди. Бироқ бу иккинчи имтиҳон биринчисидан кам хатарлидир.

¹ Ҳазрат Масийҳи Маввуд алайҳиссаломнинг бошқа жойларда берган изоҳи бўйича «абадий» деган узоқ муддатдир. *(Ношир изоҳи)*

Чунки биринчи имтиҳондан ўтувчи шахс мағрурроқ бўлади. Лекин барибир бу иккала грух Аллоҳнинг ғазабига дучордир. Ҳақиқий фаравонлик манбаи Аллоҳдир. Бас, мана шу мудом барҳаёт ва қаюм Аллоҳдан беҳабар, балки бепарво бўлган ва ундан юз ўгирадиган кишиларга ҳақиқий фаравонлик қандай қилиб насиб бўла олади? Мана шу сир-асрорни тушуниб олган инсонни табриклайман. Ва шу сир-асрорни тушунмаган шахс ҳалок бўлди!

Шунингдек, сизлар бу дунёнинг файласуфлари орқасидан эргашманглар ва уларга иззат-ҳурмат нигоҳи билан қараманглар. Бу барчаси нодонликдир. Аллоҳ сизларга ўз Каломи орқали ўргатган фалсафагина ҳақиқийдир. Бу дунёвий фалсафа ошиқлари ҳалок бўлдилар. Ҳақиқий илм ва фалсафани Аллоҳнинг Китобидан қидириб топганлар муваффақдирлар. Сизлар нодонлик йўлини нечун ихтиёр қиласизлар? Нима, Аллоҳ таолога унга «маълум бўлмаган» гапларни ўргатасизларми? Нима, сизлар, улар бизга йўл кўрсатсин, деб кўрлар кетидан югурасизларми? Эй нодонлар! Ўзи кўра олмайдиган киши сизларга қандай қилиб йўл кўрсатади? Сизларга ваъда қилинган ҳақиқий фалсафа Рухул қудусдан ҳосил бўлади. Сизлар Рухул қудус орқали бўлақлар қулочи етмайдиган пок илмларгача етказиб юбориласиз. Агар сидқидилдан сўрасангиз, оқибатида сизлар уни қўлга киритасизлар. Ўшанда сизлар тушуниб оласизлар: дилларга поклик ва ҳаёт ато этадиган ҳамда ишонч минораси томон элтиб қўядиган илм мана шудир. Ўзи ўлаксаҳўр бўлган шахс қаердан сизлар учун пок овқат олиб келади? Ўзининг кўзи ожиз бўлган шахс қандай қилиб сизларга йўл кўрсата олади? Ҳар бир пок ҳикмат осмондан нозил бўлади. Бас, сизлар ерда халқдан нимани топасизлар? Кимларнинг руҳлари осмон томон кетса, ўшаларгина ҳикматга ворисдирлар. Ўзлари тасалли топмаган кишилар қандай қилиб сизларга тасалли бера оладилар? Аввал дилнинг покизалиги ва дилнинг самимийлиги зарурдир, ундан сўнг сизларга барча нарсалар ҳосил бўлади.

ВАХИЙ КЕЛАДИГАН ДАРВОЗА ҲОЗИР ҲАМ ОЧИҚДИР

Сизлар Аллоҳ таолодан келадиган ваҳий олдинда эмас, орқада қолиб кетди, энди Рухул қудус нозил бўла олмайди, балки бундан илгариги даврларда ерга тушиб бўлган, деган хаёлга ҳеч ҳам борманглар. Мен сизларга таъкидлаб айтаманки, ҳар бир дарвоза ёпилиб қолиши мумкин, лекин Рухул қудус нозил бўладиган дарвозаси ҳеч қачон ёпилиб қолмайди. Сизлар ўз қалбларингиз дарвозаларини очиб қўйинглар, токи Рухул қудус улардан кира олсин. Сизлар ул нур кирадиган деразани ёпиб қўйиб, ул офтобдан ўзингизни ўзингиз олиб қочасизлар. Эй нодон, тур! Ул деразани очиб қўй. Ўшанда офтоб нури ўзидан-ўзи сенинг ичинга кириб кетади. Ваҳоланки Аллоҳ таоло дунё файзу баракати йўлларини ҳозирги замонда сизлар учун беркитиб қўймади, балки яна ҳам кенгайтириб қўйди. Нима, сизлар бизга ушбу замонда жуда зарур бўлган осмоннинг файзу баракат йўлларини Аллоҳ биз учун беркитиб қўйган, деб гумон қиласизми? Йўқ, ундай эмас. Балки бу дарвоза ланг очилиб қўйилган. Энди Аллоҳ таоло сизлар учун Фотиҳа сурасида ўргатган Ўз таълимоти бўйича ўтмишдаги барча неъматлар эшигини очиб қўйган, нечун сизлар бу неъматларни олишдан бош тортасизлар? Бу чашманинг сувини ичишга ошиқсангизлар, у ўзидан-ўзи оқиб келади. Ул сут ичиш учун гўдак каби йиғлай бошласангиз, сут кўкракдан ўзидан-ўзи оқиб тушади. Раҳму шафқатга лойиқ бўлинглар, токи сизларга раҳму шафқат қилинсин. Изтироб чекинглар, токи сизларга тасалли бўлсин. Такрор-такрор нолаю фарёд чекинглар, токи бир қўл сизларни ушлаб олсин. Аллоҳнинг йўли нақадар мушкул йўлдир! Аммо ўлимини ният қилиб, ушбу чуқур ўрага тушувчилар учун бу йўл осон қилинади. Аллоҳ учун ўз нафсига қарши жанг қилгувчилар муқаддасдир. Ўзларининг нафси учун Аллоҳ билан жанг қилгувчилар ва унга бўйсунмайдиганлар бадбахтдир. Ўзининг нафси учун Аллоҳнинг ҳукмини бажармайдиган киши ҳеч қачон осмонга дахлдор бўлмайди.

Шундай экан, сизлар ҳаракат қилинглар: Куръони каримнинг бирон бир нуқта ёки зеру забарлари ҳам сизларга қарши гувоҳлик бермасин ва шунинг учунгина сизларга жазо берилмасин. Чунки заррача бир ёмонлик ҳам жазога лойиқдир. Вақт оздир, ҳаётнинг мақсади эса каттадир. Тез-тез қадам ташланглар, оқшом яқин қолган, нимаики тақдим этиш лозим бўлса, уни қайта-қайта кўриб чиқинглар. Тағин бирор нарса қолиб кетиб, зиён етказиш сабаби бўлмасин. Ёки бўлмаса, ҳаммаси бузуқ ва жирканч нарса бўлиб чиқса-ю, шоҳ саройида тақдим этишга нолойиқ бўлса-чи?

ҚУРЪОННИНГ ОЛИЙ МАҚОМИ

Менинг эшитишимча, сизлардан баъзи бирлар ҳадисни мутлақо тан олмайдилар. Агар улар шундай фикрласалар, қаттиқ янглишадилар. Мен шундай қилинглар, деб таълим бермаганман. Балки менинг эътиқодим шуки, Аллоҳ таоло сизларни ҳидоятга бошловчи уч нарса берган:

Энг биринчиси Куръон бўлиб, унда Аллоҳнинг тавҳиди, унинг буюклиги, куч-қудрати зикр этилган ҳамда яҳудийлар билан насронийлар ўртасидаги зиддиятларнинг ечими баён қилинган. Шунингдек, Куръонда Аллоҳдан ўзга бирор нарсага сифиниш ман этилган: на инсонга, на ҳайвонга, на офтобга, на ойга, на бирор юлдузга, на бирор нарсага ва на ўз вужудига. Шундай экан, хушёр бўлинглар! Аллоҳ таолонинг таълимоти ва Қуръоннинг кўрсатмаларига қарши битта ҳам қадам босманглар. Мен сизларга очик-ойдин тўғриси айтиб қўя қолай: кимда-ким Куръоннинг етти юз амрларидан лоақал бирорта кичкинагина амрини ҳам бажармаса, у нажот дарвозасини ўз қўллари билан ўзига беркитиб қўяди. Ҳақиқий ва комил нажот йўлларини Қуръон очган ва қолган барчаси Унинг инъикоси эди. Бас, сизлар Қуръонни синчиклаб ўқинглар. Уни жуда ҳам севинглар, шу қадар севингларки, бошқа нарсалар бу қадар севилмаган бўлсин. Аллоҳ менга қаратиб айтганидек:

الْخَيْرُ كُلُّهُ فِي الْقُرْآنِ

Барча яхшиликлар Куръонда мавжуддир ва бу ҳақиқатдир. Бошқа бирор-бир нарсани Куръондан устун қўядиганларга афсус бўлсин. Сизларнинг ҳамма муваффақият ва нажотингиз манбаи Куръондадир. Сизларнинг ҳеч бир диний эҳтиёжингиз йўқки, уни Куръон қондирмасин. Қиёмат куни сизларнинг иймонингизни тасдиқловчи ёки рад этувчи Куръондир. Осмоннинг остида Куръон воситасисиз ҳидоят берадиган Куръондан бошқа ҳеч китоб йўқ. Куръон китобини нозил қилиб Аллоҳ таоло сизларга беҳад эҳсону марҳамат қилган. Мен сизларга тўғриси айтман: сизларга ўқиб берилган Китоб агар насронийларга ўқиб берилганда эди, улар ҳалокатга учрамаган бўлардилар. Сизларга насиб этилган бу неъмат ва ҳидоят агар яҳудийларга Таврот ўрнига берилганда эди, уларнинг баъзи бир фирқалари қиёматни инкор этмаган бўлардилар. Хуллас, сизларга ато этилган неъматнинг қадрига етинглар. Бу бағоят ардоқлашга лойиқ неъматдир. Бу улкан бир хазинадир. Агар Куръон нозил бўлмаганда эди, унда бутун дунё мисли бир ифлос нарса бўлур эди. Куръон шундай бир улғу Китобки, унинг олдида барча ҳидоятлар ҳеч нарса эмас.

Куръон бир ҳафта ичида инсонни поклай олади, башартики шаклан ва мазмунан Ундан юз ўгирилмаса. Куръон сизларни мисли пайғамбарлар қилиши мумкин, башартики ўзингиз Ундан узоқлашиб кетмасангиз. Куръондан бошқа қайси китоб ўзининг бошланишиданок ўз ўқувчиларига мана шу дуони ўргатган ва уларга умид бахш этган:

إِهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ

Олдингилар — набий ва расуллар, сиддиқ ва шаҳидлар ҳамда солиҳ бандаларга кўрсатган Ўз неъматларинг йўлини бизларга ҳам кўрсат. Бас, ўз ҳиммат камарингизни маҳкам боғлаб олинглар. Куръон даъватини рад этманглар. Зеро, у сизларга, нафақат аввалгиларга ато этган ўшал неъматларни бермоқчи, балки Аллоҳ сизларга улардан ҳам кўпроқ файзу барака

етказиш ниятидадир. Аллоҳ сизларни уларнинг моддий ва маънавий молу давлатига ворис қилиб яратди. Магар қиёмат куни келгунча сизларнинг ҳеч бир ворисингиз бўлмайди. Аллоҳ сизларни ваҳий, илоҳий илҳом ҳамда У билан ҳамкаломлик ва ҳамхитоблик неъматларидан ҳаргиз маҳрум этмайди. У илгаригиларга нимаики неъматларни ато этган бўлса, уларни сизларга ҳам насиб этади. Лекин кимда-ким густохлик қилиб, Аллоҳ тўғрисида ёлғон гапириб, нозил бўлмаган ваҳийни менга нозил бўлди ҳамда Аллоҳ билан ҳамкаломлик ва ҳам-хитоблик шарафига муяссар бўлмаган ҳолда, мен муяссар бўлдим, деса, мен Аллоҳ таоло ва Унинг Малоикаларини гувоҳ қилиб айтаманки, у шахс ҳалок қилинади. Чунки у ўзининг Яратгувчиси ҳақида ёлғон гапирди ва алдамчилик қилди.

СУННАТНИНГ ИЗОҲЛОВЧИ МАҚОМИ

Мусулмонларга ҳидоят учун берилган иккинчи восита суннатдир. Яъни, Онҳазрат^{са}нинг Қуръони карим ҳукмларини аниқ-равшан изоҳлаш учун қилинган амалий иш-ҳаракатлари. Масалан, Қуръони каримда сиртдан қараганда, беш вақт намоз рақъатлари номаълум бўлиб кўринади, яъни бомдод намозини неча рақъат ва қолган вақтларда неча рақъатдан ўқиш керак? Лекин суннат ҳамма нарсани очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Суннат ва ҳадисни бир хил тушуниб алданмаслик керак. Чунки ҳадислар юз-юз эллик йил кейин йиғилган, бироқ суннатнинг вужуди Қуръони карим билан биргаликда бор эди. Қуръони каримдан кейин мусулмонларга суннатнинг эҳсони каттадир. Аллоҳ таоло ва Расули пок^{са} зиммасига иккитагина иш фарз эди, у қуйидагича: Аллоҳ таоло Қуръонни нозил этиб, Ўз каломни орқали бандаларига Ўз хоҳиш-истаклари ҳақида хабар берсин. Бу Аллоҳ қонунининг фарзи эди. Расулulloҳ^{са}нинг фарзи эса, Аллоҳнинг каломини амалий равишда намоён этиб, унинг моҳиятини кишиларга яхшилаб тушунтиришдан иборат эди. Бас, Расулulloҳ^{са} ўша айтилган гапларни амалий равишда кўрсатиб бердилар. Ва суннат орқали, яъни ўзларининг амалий ҳаракатлари билан оғир ва чигал масалаларни ҳал қилиб

бердилар. Бунинг ечими ҳадисларга боғлиқ эди, деб айтиш нотўғридир. Чунки Исломи дини ҳадислар вужудга келишидан анча олдин ерда барқарор топган эди. Нима, ҳадислар йиғилиб бўлгунча мусулмонлар намоз ўқимасмидилар, закот бермасмидилар ё ҳаж сафарига бормасмидилар ё худ ҳалолу ҳаромдан хабардор эмасмидилар?!

ҲАДИСНИНГ ҲИМОЯ ЭТУВЧИ МАҚОМИ

Ҳа, ҳидоятнинг учинчи воситаси ҳадисдир. Чунки Исломи динининг кўпгина тарихий, ахлоқий ҳамда фикр масалаларини ҳадислар очиқ-ойдин баён қилиб беради. Ҳадисларнинг яна бир катта фойдаси шуки, улар Қуръон ва суннатга хизмат қилади. Яҳудийлар ўз ҳадисларига нисбатан баҳо берганларидек, Қуръон одобидан бебаҳра кишилар ҳадисни «Қуръоннинг қозиси» деб айтишади. Аммо биз ҳадисга Қуръон ва суннатга хизмат қилувчи, деб баҳо берамиз. Ўз-ўзидан равшанки, хизматкорнинг борлигидан эганинг шаъну шавкати яна ҳам ошади. Қуръон — Аллоҳнинг каломи ва суннат расулуллоҳ^{са}нинг иш-ҳаракатидир. Ҳадис эса суннат учун бир ҳимоя этувчи гувоҳдир. Наъузубиллоҳ, ҳадис Қуръон учун қозидир, деб айтиш нотўғридир. Агар Қуръонга бирорта қози бўладиган бўлса, у Қуръоннинг ўзгинасидир. Ҳадис шубҳали даражада турганлиги учун Қуръонга ҳаргиз қози бўла олмайди. Бу фақат ҳимоя этувчи далилдек экан. Қуръон ва суннат ҳамма асосий ишларни қилиб бўлди, ҳадис фақат ҳимоя этувчи гувоҳдир. Ҳадис Қуръонга қандай қилиб қози бўла олади, ваҳоланки Қуръон ва суннат ўз ҳидоятларини бошлаган даврда бу сунбий қозидан ному нишон ҳам йўқ эди. Шундай экан, «ҳадис Қуръонга қозидир», деб ҳеч ҳам айта кўрманглар, балки мана бундай баҳо беринглар: «Ҳадис Қуръон ва суннат учун бир ҳимоя этувчи гувоҳдир». Ҳа, суннат эса шундай бир нарсаси, у Қуръоннинг мазмун-мақсадини очиб беради. Суннат деганда Онҳазрат^{са} амалий равишда саҳоба^{ра}ларни солиб қўйган йўл ҳисобланади. Суннат ўзидан юз-юз эллик йил кейин вужудга келган китобларда ёзилган гапларнинг номи эмас, бу

гапларнинг номи — ҳадисдир. Балки суннат яхши ниятли мусулмонларнинг амалий ҳолатларида бошидан ружуъ бўлган ва унга минглаб мусулмонларни жалб қилган амалий намунаси номидир. Ҳа, ҳадис ҳам, гарчи унинг аксарият қисми шубҳали даражада бўлса-да, лекин Қуръон ва суннатга қарши бўлмаса, ундан фойдаланиш керак, чунки у Қуръон ва суннатнинг ҳомийсидир. Ва кўпгина исломий масалаларнинг захираси ҳадис ичида мавжуддир.

Хуллас, ҳадисни қадрламаслик мисоли Ислом динининг бир аъзосини кесиб ташлаш демақдир. Ҳа, бирор-бир ҳадис Қуръон ва суннатга хилоф бўлса ва Қуръонга мос келадиган бошқа бир ҳадисга хилоф бўлса ёки «Саҳиҳ Бухорий»га хилоф бўлса, бундай ҳадис қабул қилинишга лойиқ бўлмайди. Чунки, борди-ю уни қабул қиладиган бўлса, унда Қуръонни ҳамда Қуръонга мувофиқ бўлган барча ҳадисларни рад этишга тўғри келади. Мен биламанки, бирор парҳезгор инсон Қуръон ва суннатга хилоф ва Қуръонга мос келган ҳадисга қарши бўлган ҳадисга ишонишга ҳаргиз журъат қила олмайди. Лекин шунга қарамасдан, ҳадисларни қадрланглар ва улардан фойдаланинглар, зеро, улар Онҳазрат^{са}га бағишлангандир. Ҳадисларни Қуръон ва суннат рад этмагунча, сизлар ҳам уларни рад этманглар. Балки пайғамбаримиз^{са}нинг ҳадисларига шундай амал қилингларки, ҳар бир саъй-ҳаракат қилишингиз ёки қилмаслигингиз ва ҳар ишни қилиш ёки тарк этишингиз бирор-бир ҳадисга асослансин.

Лекин агар:

1. Биронта ҳадис Қуръони шарифда баён этилган қиссаларга очикдан-очик хилоф бўлса, унинг мувофиқлигини топишга ҳаракат қилинглар. Эҳтимол бу ихтилоф сизларнинг хатоингиз бўлсин. Борди-ю, бу ихтилофни йўқотишнинг ҳеч иложи бўлмаса, бундай ҳадисни тан олманглар, чунки у расулуллоҳ^{са} томонидан эмас.
2. Бирорта ҳадис «заиф» бўлса-ю, лекин Қуръонга мос келса, у ҳадисни қабул қилинглар. Чунки унинг тасдиқловчиси Қуръондир.

3. Бирорта ҳадисда қандайдир бир башорат қилинган бўлса-ю, лекин муҳаддислар фикрича, бу ҳадис «заиф», деб топилса ҳам, агар сизларнинг даврингизда ёки бундан олдинги даврда ушбу башорат ҳақиқат бўлиб чиққан бўлса, унда ушбу ҳадисни ҳақиқий, деб ҳисобланглар. Ушбу ҳадисни «заиф» ва «мавзуъ» (тўқилган), деб топган муҳаддислар ва ровийларни эса хатога йўл қўйган ва ёлғончи, деб баҳоланглар. Башоратлардан иборат бўлган юзлаб ҳадислар учрайди ва муҳаддисларнинг фикрича, уларнинг кўпчилиги «мажруҳ» ё «мавзуъ» ёки «заиф»дир. Бас, агар бу ҳадисларнинг бирортаси тўлалигича рўёбга чиқса-ю, лекин сизлар, биз бу ҳадисни тан олмаймиз, чунки у заифдир ёки бирорта ровийси парҳезгор эмас, деб баҳона қиладиган бўлсангиз, у ҳолда, Аллоҳнинг ўзи унинг ҳақиқийлигини очик-равшан кўрсатиб берган бундай ҳадисни рад этишингиз сизлар ўзларингизнинг иймонсизлигингизга далолат беради. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, агар бу хилдаги ҳадислар мингта бўлса ва муҳаддислар уларни заиф деб топсалар-у, лекин улардаги мингта башорат тўғри бўлиб чиқса-ю, нима, бу ҳадисларни «заиф», деб баҳолаб, Ислом динининг мингта исботини йўққа чиқарасизларми? Қисқаси, бундай вазиятда сизлар Ислом динининг душманлари, деб баҳолангайсизлар. Аллоҳ айтадики:

فَلَا يُظْهِرُ عَلَىٰ عَيْنِي أَحَدًا إِلَّا مَنِ ارْتَضَىٰ مِنْ رَسُولٍ

Бас, ҳақиқий башорат ҳақиқий расулдан бошқа кимга мансуб бўла олади? Шундай вазиятда бир ҳақиқий ҳадисни «заиф» деб баҳолашда бирор муҳаддис адашган, деб айтиш иймонликка мувофиқ эмасми? Ёки бўлмаса, ёлғон ҳадисни ростга чиқариб Аллоҳ таоло хатога йўл қўйган, деб айтиш жоизми?

4. Агар бирорта ҳадис «заиф» даражада бўлса-ю, лекин башартики, у Куръону суннат ҳамда Куръонга мувофиқ

бўлган ҳадисларга хилоф бўлмаса, бундай ҳадисга амал қилинглар.

Лекин ҳадисларга жуда ҳам эҳтиёткорлик билан амал қилиш керак, чунки Ислому динига нифоқ солган кўпгина «мавзуъ» ҳадислар ҳам бор. Ҳар бир фирка ўз ақидасига мувофиқ ҳадисга эга. Ҳаттоки, ҳадисларнинг низоси намоз каби ишончли ва узлуксиз фарзини ҳар хил кўринишга солиб қўйди. Кимдир баланд овозда «омин», деб айтса, кимдир ичида айтади. Кимдир имом орқасидан Фотиҳа сурасини ўқиса, кимдир буни намозни бузиш, деб билади. Кимдир қўлларини кўксига қўйса, кимдир киндигига қўяди. Бу ихтилофнинг асосий сабаби ҳадислардир.

كُلُّ حَزْبٍ بِمَا لَدَيْهِمْ فَرِحُونَ

Ваҳоланки, суннат намоз ўқишнинг ягона бир усулини айтган эди. Кейинчалик ривоятларнинг кириши бу усулни ўзгартириб юборди.

ГУНОҲДАН ҚУТУЛИШ ЙЎЛИ ФАҚАТ КОМИЛ ИШОНЧДИР

Эй Аллоҳни истагувчи бандалар! Кулоғингиз билан эшитиб олинглар: ҳеч бир нарса ишонч каби кучли эмас. Ишончгина гуноҳдан халос этади. Ишончгина яхшилик қилишга куч-қувват бағишлайди. Ишонч — Аллоҳга ошики содиқ қилади. Сиз ишончсиз гуноҳдан халос бўла оласизми? Сизлар ишончга тўла тажаллисиз нафсоний ҳис-туйғулардан ўзингизни тўхтата оласизми? Сизлар ишончсиз бирорта тасалли топа оласизми? Сизлар ишончсиз бирорта ҳақиқий ўзгариш қила оласизми? Сизлар ишончсиз бирорта ҳақиқий фаровонликка эриша оласизми? Осмон остида сизларни гуноҳлардан тўхтатадиган бирорта каффорот ёки фидя борми? Марям ўғли Исо^{ас} шундай-мидики, токи унинг сунъий қони гуноҳдан халос эта олсин? Эй насронийлар! Ерни парчалаб ташловчи ёлғон гапни гапирманглар. Исо Масийҳ^{ас} ўз нажоти учун ишончга муҳтож

бўлган эди. Ниҳоятда унда ишонч пайдо бўлди ва нажотга эришди. Бизлар Масийх^анинг қони туфайли нажот топдик, деб одамларни алдайдиган насронийларга афсусу надоматлар бўлсин. Холбуки, улар бошдан-оёқ гуноҳга ботганлар. Улар ўзларининг Худоси ким эканлигини ҳам билмайдилар, балки уларнинг ҳаётлари ҳам ғафлатлидир. Уларнинг миясида фақат ароқнинг хумори мавжуддир. Лекин улар осмондан нозил бўладиган пок хумордан беҳабар эканлар. Аллоҳ хузурида кечадиган ва пок ҳаётнинг натижаларидан улар бенасибдирлар. Бас, эсингизда тутинглар: сизлар ишончсиз қоронғу ҳаётдан ташқарига чиқа олмайсизлар ва на Рухул қудус сизларга учрайди. Ишончга эга бўлганларгина муқаддасдирлар, чунки ана ўшалар Аллоҳни кўрадилар. Шак-шубҳалардан халос бўлганлар муқаддасдирлар, чунки ана ўшалар гуноҳдан халос бўладилар. Сизларга ишонч каби улкан хазина берилгач, муқаддассизлар, ундан кейин гуноҳларингиз йўқ бўлади. Гуноҳ ва ишонч иккаласи жамлана олмайди. Бир ўта заҳарли илон турган кавакка кўра-била туриб, кўлингизни киргизишингиз мумкинми ахир? Сизлар биронта вулқон отиладиган тоғдан тош ёғилаётган жойда ёки бўлмаса, чақмоқ чақаётган жойда ё қонхўр бир шер ҳамла қиладиган жойда ёхуд хатарли бир чума вабоси инсон наслини йўқ қилиб ташлаётган бир жойда тик тура оласизми? Агар сизлар Аллоҳга худди илонга ё чақмоққа ёки шерга ёхуд ўлатга ишонгандек ишонсангиз, у ҳолда сизлар унга нисбатан итоатсизлик қилиб, жазо йўлини ихтиёр этишингиз ёки у билан садоқату вафодорлик алоқасини узишингиз мумкин бўлмагай.

Эй, яхшилик ва ростгўйликка даъват этилган, одамлар! Билингларики, қалбингиз ишончга тўлгандагина, сизларда Аллоҳ томон тортиш пайдо бўлади ва ўша вақтнинг ўзидаёқ сизлар гуноҳнинг манфур доғидан пок этиласизлар. Эҳтимол сизлар, бизда шундай ишонч бор, деб айтарсизлар. Демак, эсингизда тутинг: сизлар адашдингиз. Ҳақиқий ишонч сизларда, умуман,

йўқ, чунки унинг зарурий шартлари сизларда ҳали шаклланмаган. Сабаби шуки, сизлар гуноҳдан ҳамон воз кечганингиз йўқ. Сизлар кўриш лозим бўлган чора тадбирларни кўрмайсизлар. Сизлар Аллоҳдан кўрқиш лозим бўлган даражада кўрқмаётибсизлар. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, фалон кавакда илон борлигига ишонган одам ҳеч қачон ўша кавакка қўлини тикадими? Овқатига заҳар қўшиб қўйилганини ишонган одам бу овқатни ейдими? Фалон ўрмонда минггача қонхўр шер мавжудлигини кўриб, ишонч ҳосил қилган одам эҳтиётсизлик ва ғофиллик билан ўша ўрмон томон қандай қилиб қадам ташлай олади? Агар сизлар Аллоҳ таоло ҳамда жазою мукофотга ишонсангизлар, у ҳолда қўлларингиз, оёқларингиз, кулоқларингиз ва кўзларингиз нечун гуноҳ қилишга журъат қила олади? Гуноҳ ҳаргиз ишончдан ғолиб кела олмайди. Сизлар кулга айлантириб ҳамма нарсани йўқ қилиб ташлаётган ёнғинни кўриб турган бўлсангиз, қандай қилиб ўша ёнғинга ўзингизни ура оласиз? Ва ишонч деворлари осмонгача етади, шайтон уларга чиқа олмайди.

Кимки покликка эришган бўлса, у ишонч туфайли эришган. Ишонч — бу ғам-аламга чидаш учун куч-қувват бағишлайди. Ҳаттоки, бир подшоҳни тахтдан тушириб, унга фақирона либос кийинтиради. Ишонч — ҳар бир дарду аламни осонлаштиради. Ишонч — Аллоҳни кўрсатади. Ҳар бир каффорот ёлғондир ва ҳар бир фидя беҳудадир. Ҳар бир покизалик ишонч йўлидан пайдо бўлади. Гуноҳдан халос этадиган, Аллоҳ таоло ҳузурига етаклайдиган ва сидқу саботда фаришталардан ҳам олдинга олиб борадиган нарса — ишончдир. Ишончга имконият яратиб бермайдиган ҳар бир дин ҳақиқий эмас. Ишончга тўла воситалар орқали Аллоҳни кўрсата олмайдиган ҳар бир дин ҳақиқий эмас. Дақёнусдан қолган қиссаю чўпчаклардан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган ҳар бир дин ҳақиқий эмас.

ҚИССАЮ ЧЎПЧАКЛАРГА РОЗИ БЎЛМАНГЛАР!

Аллоҳ ҳозир ҳам ўтган замондагидек экан. Қудратлари ҳам илгаригидек экан. Унда нишон кўрсатиш қудрати олдинги даврда бўлганидек, ҳозир ҳам бор. Хўш, бўлмаса, сизлар нима учун қиссаю чўпчакларга рози бўласизлар? Мўъжизаларию башорати фақат қиссаю чўпчаклардан иборат бўлган дин ўликдир. Ишонч орқали Аллоҳ томонидан покланмаган ва Аллоҳ нозил бўлмаган жамоат ўликдир. Инсон нафсоний лаззатлар манбаини кўриб, у томонга сурилиб кетади. Худди шунингдек, инсон ишонч орқали руҳий лаззатлар манбаига эга бўлгач, Аллоҳ томонга тортилиб кетади ва Унинг ҳусни уни шу қадар маст қилиб кўядики, бошқа ҳамма нарсалар унга бошдаёқ бекор бўлиб кўринади. Аллоҳ таоло ҳамда Унинг улуғлиги ва жазою мукофот ҳақида ишончли тарзда хабар топгач, инсон гуноҳдан халос бўлади. Ҳар бир шўхликнинг илдизи беҳабарликдир. Кимда-ким Аллоҳнинг ишончга тўла маърифатидан қандайдир бир улушини ўзига олса, у шўх бўлиб қола олмайди. Агар бирорта уй эгаси кучли бир сув тошқини уйи томон бостириб келаётганини ёки уйи атрофида олов ёнаётганини ва кичкинагина жой ундан сақланиб қолганини билса-ю, у ҳолда, бундай уйда у киши қола олмайди. Хўш, сизлар Аллоҳнинг жазою мукофотига ишонамиз, деб даъво қилиб, нечун ўзингизнинг хатарли ҳолатларингизда тик қараб турибсизлар?! Демак, сизлар кўзингизни очинглар ва Аллоҳнинг бутун дунёда бор қонунини кўриб чиқинглар. Ер тагига кириб кетадиган сичқонлар бўлманглар, балки ўзига осмону фалак фазосини истагувчи кабутар бўлинглар. Сизлар тавбанинг байъати қилиб, яна гуноҳга қўл урманглар. Сизлар илон бўлманглар: у терисини ташлаб юборса ҳам илондир. Ўлимни эсда тутинглар: у сизларга яқинлашиб келяпти ва сизлар ундан беҳабарсизлар. Сизлар покланишга ҳаракат қилинглар, негаки, инсон ўзи пок бўлиши биланок Покка эришади.

ТАВБА-ТАЗАРРУЪ БИЛАН ЎҚИЛАДИГАН НАМОЗ ПОКЛАНИШ ВОСИТАСИДУР!

Лекин сизлар бу неъматни қандай қилиб топа олурсизлар? Бунинг жавобини Аллоҳ таолонинг ўзи Қуръонда мана бундай берган:

وَأَسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ

Намоз ва сабру қаноат бирла Аллоҳдан ёрдам сўранглар. Намознинг ўзи нима? У тасбех, таҳмид, тақдис, истиғфор ва дуруд ила тазарруъ билан сўраладиган дуодур. Шундай экан, сизлар намоз ўқиётганингизда, бундан ҳеч хабари йўқ кишилардек ўз дуоларингизда фақат арабча сўзлар билан чекланиб қолманглар. Чунки уларнинг намози ва тавба-тазарруълари ҳаммаси расм-расумлар бўлиб, улар билан ҳеч қандай ҳақиқат боғлиқ эмас. Лекин сизлар намоз ўқиганингизда Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръон ва расулуллоҳ^{с.а.}нинг каломи бўлмиш дуолардан ташқари, ўзингизнинг бошқа барча дуоларингизда ожизона сўзларни ўз тилингизда адо этинглар, токи қалбларингизга бу ажзу ниёзнинг таъсири сезилсин. Намоз — бу дуч келиши мумкин бўлган балоларни бартараф этади. Ахир сизлар билмайсизлар-ку, бошланадиган янги кун қанақа тақдирни сизлар учун олиб келади? Бас, янги кун бошланишидан олдин ўз Аллоҳингиз хузурида тазарруъ айланглар, токи сизлар учун бу янги кун хайру баракат олиб келсин.

ЭЙ БОЙ-БАДАВЛАТ ОДАМЛАР, ЭЙ ДАВЛАТМАНДЛАР!

Эй бой-бадавлат одамлар! Эй подшоҳлар! Эй давлатманд кишилар! Аллоҳдан кўрқадиган ва унинг барча йўлларида ростгўйлик қиладиган кишилар орангизда жуда ҳам кам топилади. Кўплаб кишилар бу дунёнинг мол-мулкига ҳирс кўядилар ва шу зайлда умрларини ўтказадилар. Ўлимни эса

ҳеч ҳам эсламайдилар. Намоз ўқимайдиган ва Аллоҳ билан ҳеч иши йўқ ҳар бир давлатманд одамнинг хизматкорларининг ҳам гуноҳи ўшанинг бўйнидадир. Ҳар бир ароқхўр бойнинг бўйнига унга тобе бўла туриб ароқхўрлик қиладиган кишиларнинг ҳам гуноҳи тушади. Эй ақлли одамлар! Бу дунё ҳамиша яшайдиган жой эмас. Сизлар ўзингизни қўлга олинглар. Сизлар ҳар бир мўътадилсизликни йўқотинглар. Ҳар бир нашаванд кайф берувчи нарсани тарк этинглар. Инсонни барбод этгувчи ароққина эмас, балки қорадори, кўкнори, пальма шароби ва доимий одат қилиб оладиган кайф берувчи бошқа нарсалар мияни бузади ва охиратда ўлимга олиб боради. Сизлар булардан ўзингизни сақланглар. Биз шуни ҳеч тушуна олмаймиз: бу нарсаларни сизлар нима учун истеъмол қиласизлар? Ахир буларнинг касофати туфайли ҳар йили мингларча сизларга ўхшаб нашаванд моддаларни истеъмол қилишга одатланган кишилар бу дунёдан кўзларини юмиб кетадилар. Охират азобини гапирмаса ҳам бўлади. Парҳезгор инсон бўлинглар, токи сизларнинг умрларингиз узайсин ва сизлар Аллоҳдан хайру баракат топгайсиз. Ҳаддан ташқари айшу ишратда умрни ўтказиш — бу лаънати ҳаётдир. Ҳаддан ташқари ёмон хулққа эга бўлиш ва бемехр бўлиш — бу лаънати ҳаётдир. Аллоҳдан ёки унинг бандаларининг ҳамдардлигидан ҳаддан ташқари бепарво бўлиш — бу лаънати ҳаётдир.

Ҳар бир бадавлат кишидан Аллоҳ ва инсонларнинг ҳуқуқлари ҳақида бир бечора фақирдан сўрагандек, балки ундан ҳам зиёд қилиб сўралади. Бу қисқагина ҳаётга ишониб, бутунлай Аллоҳдан юз ўгирадиган киши нақадар бадбахтдир! Аллоҳ ниманики ҳаром, деб буюрган бўлса, уни у шундай беҳаёлик билан истеъмол қиладики, гуёки бу ҳаром у учун ҳалолдир. Жаҳли чиққанида телбаларга ўхшаб кимнидир сўкиш, кимнидир мажруҳ қилиш ва кимнидир ўлдиришга тайёр туради. Шаҳвоний ҳиссиётга берилганда эса, ниҳоят даражада шарму ҳаёсиз усуллардан фойдаланади. Демак, бундай инсон

хақиқий фаровонликка эриша олмайди, ҳаттоки ўлиб кетади.

Эй азизлар! Сизлар жудо оз кунлар учун дунёга келгансизлар. Унинг ҳам кўпгина қисми ўтиб кетди. Демак, ўз Эгангизни хафа қилманглар. Инсонларнинг кучли бўлган биронта ҳукумати сизлардан норози бўлса, сизларни барбод қилиши мумкин. Хўш, энди ўзингиз ўйлаб кўринглар-чи, Аллоҳ таолонинг хафалигидан қандай қилиб сизлар қутулиб қола оласизлар? Агар сизлар Аллоҳ таолонинг кўзлари олдида тақводор бўлсангиз, сизларни ҳеч ким барбод қила олмайди. Аллоҳ ўзи сизларни ҳимоя қилади, сизларнинг жонингизга қасд қилган душман ўз ниятига ета олмайди. Йўқса, сизларнинг жонингизни асрай оладиган ҳеч бир кимса йўқ. Сизлар душманлардан кўрқиб, ёки бало-офатларга дучор бўлиб, беқарорлик билан ҳаёт кечиргайсизлар ҳамда умрларингизнинг охири кунлари жуда ҳам ғаму ғуссада ўтади. Кимда-ким Аллоҳ билан бирга бўлса, уларнинг ҳомийлигида Аллоҳнинг ўзи бўлади. Шунинг учун Аллоҳ таоло томонига келинглар. Унга нисбатан ҳар бир қаршилиқни тарк этинглар. Унинг фарзларини бажо келтиришда ҳеч дангасалиқ қилманглар. Унинг бандаларига тилингиз ёки қўлингиз билан зулм қилманглар. Осмоний қаҳру ғазабдан кўрқиб яшанглар, мана шу нажот йўлидир.

ЭЙ ИСЛОМ УЛАМОЛАРИ!

Эй Исломуламолари! Мени рад этишга шошилманглар. Чунки кўп сир-асрорлар шундай бўладики, инсон уларни дарҳол тушуна олмайди. Гапни эшитганингиз биланоқ рад этишга ошиқманглар, зеро бу тақвонинг йўли эмас. Агар сизлар баъзи бир хатоларга йўл қўймаганингизда эди ва баъзи бир ҳадисларнинг маъноларини нотўғри уқимаганингизда эди, «ҳакам» Масийҳи Мавъуднинг келиши ҳам беҳуда эди. Сизларнинг ақидангизга кўра, Масийҳ ибни Марям осмондан келади, яъни у Маҳдий билан биргалашиб кишиларни зўравонлик билан мусулмон қилиш учун жанг қилади. Бу ақида, ислом динини бадном этадиган ақидадир. Дин учун зўравонлик

жоиздир, деб Куръони шарифнинг қаерида ёзилган. Аксинча, Аллоҳ таоло Куръони шарифда марҳамат қиладики:

لَا أَكْرَاهُ فِي الدِّينِ

Динда куч ишлатиш йўқдир. Бас, унда Масийҳ ибни Марям^{ас}га жабрлаш ҳуқуқи нечун берилади? Бошдан-оёқ Куръон таъкидлаяптики, динда жабрлаш йўқдир. У очиқ-ойдин баён қиляптики, Онҳазрат^{са}нинг даврида кимлар билан жанг қилинган бўлса, ушбу урушлар динни зўравонлик билан ёйиш учун қилинмаган эди, балки:

1. Ё жазо бериш учун қилинган эди, яъни мусулмонларнинг катта бир гуруҳини ўлдирган ва баъзиларини ватанидан бадарға қилиб, ғоятда қаттиқ зулм қилган одамларни жазолаш керак бўлган эди. Аллоҳ таоло айтганидек:

أَذِنَ لِلَّذِينَ يُقْتَلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ

Жангга тортилган мусулмонларга мазлум бўлганлиги учун қаршилик кўрсатишга рухсат берилган.

2. Ёки: Мудофаа учун қилинган жанглар эди. Яъни, Ислом динини йўқотиш учун ташаббус кўрсатган ёки ўз мамлакатларида Ислом динининг ёйилишини зўравонлик билан тўхтатадиган кишиларга қарши ўз-ўзини ҳимоя қилиш мақсадида қилинган жанглар эди.
3. Ёки: Мамлакатда озодликни барқарор этиш учун қилинган жанглар эди.

Онҳазрат^{са}нинг ўзлари ва ул зотнинг муқаддас халифалари юқорида зикр этилган уч вазиятдан бошқа ҳеч бир ҳолатда уруш қилмаганлар. Балки Ислом дини бошқа қавмларнинг зулмини шу қадар сабр-бардош билан бошидан кечирдики, бошқа қавмларда бунинг ҳеч бир мисоли топилмайди. Шундай экан, бу Исо Масийҳ ва Маҳдий жаноблари ўзи қандайки, келиши биланоқ кишиларни ўлдириша бошлайдилар?!
﴿۱۷﴾

ПИРЛИК ТАХТИДА ЎТИРГАНЛАР ВА ПИРЗОДАЛАР

Шунингдек, пирлик тахтида ўтирганлар ва пирзодалар диндан шу қадар ажралган ва кечаю кундуз шу қадар бидъатларга берилганларки, уларга Ислом динининг бошига тушган қийинчиликлару бало-офатлардан ҳеч хабарлари йўқ. Сиз уларнинг йиғинларига борсангиз, Қуръони шариф ва ҳадис китоблари ўрнига турли-туман танбуру ғижжак, ноғараю ҳофиз каби бидъат ашёлари кўринади. Яна бунинг устига-устак, мусулмонларга пешво бўлиш ҳақида даъво қиладилар ва пайғамбарнинг йўлидан борамиз, деб лоф урадилар!

Ҳар бир шахс мен Аллоҳни севаман, деб айтиши мумкин. Бироқ кимнингдир севгиси осмоннинг гувоҳлигидан исботланса, у шахс Аллоҳни севади. Ҳар бир шахс менинг диним ҳақиқийдир, деб айтади. Бироқ мана шу дунёда нур топадиган шахснинг динигина ҳақиқийдир. Ҳар бир шахс мен нажот топурман, деб айтади. Бироқ мана шу дунёда нажот нурларини кўрадиган шахсгина бундай деганда ҳақ бўлиб чиқади.

АЗИЗЛАР! БУ ДИНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ВАҚТИДИР

Азизлар! Бу дин ва диннинг мақсадлари учун хизмат қилиш вақтидир. Бу вақтни ғанимат, деб билинглар, кейин у ҳеч қачон насиб бўлмайди. Сизлар шундай бир муқаддас Пайғамбар^сга тобе бўла туриб, нечун ўзингизни йўқотиб қўясизлар? Сизлар ўзингизнинг шундай ўрнак-намуналарингизни кўрсатингларки, осмонда фаришталар ҳам сизларнинг сидқу сафоингизни кўриб хайратлансинлар ва сизларга салавот ўқисинлар.

Энди мен айтадиган гапларимни тугатаман ва менинг бу таълимотим сизларга фойда келтирсин, деб дуо қиламан. Сизларнинг қалбларингизда шундай ўзгариш бўлсинки, сизлар ердаги юлдузларга айланинглар ва ер сизларга Аллоҳдан насиб бўлган нур билан ёруғ бўлсин. Омин! Ва яна омин!

АҲМАДИЙҲА ОЛИЙ СИЛСИЛАСИГА БАЙЪАТ ШАРЛАРИ

Муаллиф

Ҳазрат Мирзо Гулом Аҳмад Қодиёний

Масийҳи Мавбӯд ва Маҳдийи Маъҳуд алайҳиссалоту вассалом

- 1) Байъат қилувчи то қабрга киргунга қадар келажакда ширкдан ўзини олиб қочишга чин дилдан аҳд қилади.
- 2) Ёлғончиликдан, зинодан, ёмон кўз билан қарашдан ва ҳар бир фисқу фужур ва зулму хиёнатдан, фитна ва исён тариқаларидан ўзини сақлайди ва нафс васваса солган вақтида қанчалик эҳтирос кучаймасин, уларга бўйсунмайди.
- 3) Худо ва расулуллоҳ ҳукмига мувофиқ кандасиз беш вақт намозни адо этади ва иложи борича Таҳажжуд намозини ўқиш ва ўз пайғамбари карим саллаллоҳу алайҳи ва салламига дуруд йўллаш ва ҳар куни ўз гуноҳларини кечишни ва истиғфор қилишни давом эттиришни ихтиёр айлайди ва чин кўнгилдан Аллоҳ таоло эҳсонларини ёд этиб, унга ҳамду сано айтишни кундалик вазифаси қилиб олади.
- 4) Аллоҳнинг барча яратганларига, хусусан, мусулмонларга ўз нафсоний жўшқинлиги туфайли тили, кўли ва бошқа йўллар билан ҳеч бир турдаги ножойиз озор бермайди.
- 5) Ранжишу роҳат, йўқотишу топиш, неъмату бало ҳолатларида ҳам Аллоҳ таолога вафодор қолади ва ҳар ҳолатда ҳам тақдирга тан беради. Унинг йўлида ҳар қандай таҳқиру аламини қабул қилиш учун тайёр туради ва бирор мусибат рўй берганида Ундан юз ўгирмайди, балки йўлида олға силжийверади.
- 6) Бидъату хурофот ва ҳаю ҳавасдан ўзини олиб қочади ва Қуръони шариф ҳукмронлигини бутунлай қабул этади ва Аллоҳнинг каломи ва расулуллоҳ айтганларини кундалик турмушида дастурол амал деб билади.
- 7) Мутақаббурлик ва мағрурликни бутунлай ташлайди. Камтарлик ва камсуқумлик, хушхулқлик, мулоимлик ва мискинлик билан яшайди.
- 8) Дин, динга ҳурматни ва Исломга ҳамдардликни ўз жони, ўз моли, ўз иззат-обрўси, ўз авлоди ва барча яқин одамларидан ҳам азизроқ кўради.
- 9) Аллоҳнинг яратган жондорларига ҳамдардликда Аллоҳнинг йўлида машғул бўлиб қолаверади, аммо у кўлидан келганича Худо берган кучқувват ва неъматлар билан одамзотга фойда етказди.
- 10) Бу ҳокисор билан яхшиликка итоат этиш аҳдида тузилган ҳолисан диллоҳ биродарлик риштаси ўла-ўлгунча давом эттирилади ва бу биродарлик билан боғланиш дунёвий алоқалар ва ришталарда ҳамда барча ходимлик ҳолатларда мисли йўқ энг аъло даражада бўлади.

(“Иштехор тақмийли таблиғ” 1889 йил 12 январ)

HAMARI TAALIM

(Our Teaching)

Uzbek Translation

Hamari Taalim (Our Teaching) is a selection of passages from Kashti-e-Nuh, a book written in Urdu by Hadhrat Mirza Ghulam Ahmad, the Founder of the Ahmadiyya Muslim Community. The booklet was prepared by Hadhrat Mirza Bashir Ahmad.